

Абдулмалик Қосим

ПАЙҒАМБАР
УЙИДА БИР КҮН

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Муқаддима

Пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан юборган Аллоҳ таъолога ҳамду-санолар, барча оламга раҳмат қилиб юборилган пайғамбаримизга, У зотнинг оиласи ва барча саҳобаларига салавоту саломлар бўлсин.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратлари ва ҳаётининг нозик тафсилотларини оммага қулай ва енгил услуб билан етказиш мақсадида ушбу саҳифаларни тўлдирмоқдамиз...

Бу ёзганларимиз ул зотнинг ҳаётлари ва гўзал сифатларининг баъзилари бўлиб, биз уларни тўлалигича баён қилмадик. Балки, улардан ҳар бирининг баёни учун икки ёки уч ҳадис келтириш билан кифояландик.

Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаёти - Уммат ҳаёти, даъват ва ҳаёт дастури эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тоат-ибодатда, гўзал ахлоқ ва муомалада пешво эдилар. У кишига Аллоҳ таъолонинг айтган мақтови етарлидир:

﴿وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ﴾

«Сиз улуг ахлоқ узрасиз».¹

Аҳлуссунна вал жамоа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни Аллоҳ Ўзи сифатлаганидек, У Аллоҳнинг кули ва расули, дўсти ва танлагани деб биладилар. Уни болалари ва оталаридан, ҳаттоки

¹ «Қалам»: 4.

ўзларидан кўра кўпроқ севадилар. Бироқ ортик даражада ғулувга ҳам кетмайдилар, у зот учун юқорида айтилган манзилатлари кифоядир.

Бугунги кунда одамларнинг кўплари Расулуллоҳ ҳақларида ғулув кетган ё эса умуман унутганлар.

Баъзилари ғулув кетиб, охир оқибат ширк келтириш даражасига етиб бордилар ва дуо қилиб, ўз эҳтиёжларини у кишидан сўрай бошладилар.

Баъзилари эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олиб келган йўли ва сийратига эргашишдан ғафлатда қолиб, У зотни ўз ҳаёти учун намуна қилиб олмади.

Бизнинг йўлимиз - Расулуллоҳни ўзлари буюрганларидек севамиз, У зотга буюрган нарсаларида итоъат этамиз, қайтарган нарсаларидан тийиламиз.

Биз учун бу дунёда Расулуллоҳни кўриш насиб этмаган, ўртамизда қанча-қанча асрлар ўтган бўлса-да, бизларни Аллоҳ таоло қуйидаги ҳадисда зикр этилган кишилардан қилишини сўраймиз:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَوَدِدْنَا أَنَّا قَدْ رَأَيْنَا إِخْوَانَنَا قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَوْلَسْنَا إِخْوَانَكَ قَالَ أَنْتُمْ أَصْحَابِي وَإِخْوَانِي الَّذِينَ يَأْتُونَ مِنْ بَعْدِي وَأَنَا فَرَطُكُمْ عَلَى الْخَوْضِ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ تَعْرِفُ مَنْ لَمْ يَأْتِ مِنْ أُمَّتِكَ قَالَ أَرَأَيْتُمْ لَوْ أَنَّ رَجُلًا لَهُ خَيْلٌ عُرٌّ مُحَجَّلَةٌ بَيْنَ ظَهْرَيْنِي خَيْلٍ ذُهُمٍ بُوْهُمِ أَمْ يَكُنْ يَعْرِفُهَا قَالُوا بَلَى قَالَ

فَإِنَّهُمْ يَأْتُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ أَثَرِ الْوُضُوءِ قَالَ أَنَا فَرَطُكُمْ
عَلَى الْحَوْضِ (رواه ابن ماجه)

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қани энди биродарларимизни кўрсак эди» - дедилар.

Саҳобалар: «Биз сизнинг биродарларингиз эмасмизми?» - деб сўрадилар.

- «Сизлар менинг саҳобаларимсиз. Биродарларимиз эса ҳануз келмадилар» - дедилар.

- «Ё Расулulloҳ, ҳануз келмаган умматингизни қандай танийсиз?» - деб савол бердилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Айтингларчи, агар бир кишининг қашқа отлари тим қора отлар орасида юрган бўлса у ўз отларини таний оладими?» - дедилар.

- «Бўлмасачи, ё Расулulloҳ» - деб жавоб бердилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Улар Қиёмат кuni таҳоратнинг асаридан (юз-қўллари) порлаган ҳолда келадилар. Мен эса уларни ҳавзим олдида кутиб тураман» — дедилар».¹

Аллоҳ таъолодан бизларни ҳам Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг осорларига эргашиш, сийратларидан намуна олиш ва суннатларини маҳкам тутганлар қаторида қилишини,

¹ Ибн Можа ривояти.

шунингдек, бизларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Адн жаннатларида бирга қилишини сўраймиз.

Пайғамбаримизга, ул зотнинг оила ва асҳобларига Аллоҳ таъолонинг салавоту саломлари бўлсин.

Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Қосим

Зиёрат

Ўтмишга қайтиб, тарих саҳифаларини варақлайлик, ундаги ёзувларни ўқиб, ҳар бир сатри ҳақида тафаккур қилайлик ҳамда улар орқали Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам хонадонларини зиёрат этайлик...

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг уйларидаги ҳолат билан танишиб, у зотнинг сўзларига кулоқ солайлик ҳамда пайғамбарнинг уида фақатгина бир кун меҳмон бўлиб, дарсу-ибрат олайлик-да, шу билан қалбимизни ёритайлик...

Одамларнинг билими ошиб, кўп нарсаларни ўқиб, шарқу ғарбни китоблар, мактублар, филмлар ва ҳужжатлар оша зиёрат эта бошладилар...

Биз эса Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам хонадонларини шаръий зиёрат қилишга, унда кўрган ва билган нарсаларимизни ҳаётимизга жиддий татбиқ қилишга улардан кўра лойикрокмиз. Ушбу муборак хонадонни зиёрат этарканмиз, унинг айрим жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Шояд кўрган нарсаларимиздан ибрат олсак ва шу билан нафсларимизни тарбияласак.

Мусулмон дўстим!

Биз мозий саҳифаларини ўтмишда яшаб ўтган инсонларнинг ҳаётлари билан танишиш ва ўзимиз учун нотаниш бўлган нарсаларни кўриб завқланиш учунгина варақламоқчи эмасмиз. Аксинча, Аллоҳ таоълонинг ўз пайғамбарини севишга бўлган амрига - Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётларини ўқиб-ўрганиш, суннатларига эргашиш ва у

зотнинг дастури ва йўлларида юриш билан - итоат этамиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатнинг энг муҳим белгиси эса, буюрган нарсаларида у зотга итоат этиш, қайтарган ва тўхтатган нарсаларидан тийилиш, демакдир...

Аллоҳ таъоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни пешво ва намуна қилди. Шунинг учун ҳам, У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўйсуниб, итоат этишни фарз қилиб деди:

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ

عَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

«(Эй Муҳаммад), айтинг: «Агар Аллоҳни яхши кўрсангизлар, менга эргашиглар, шунда Аллоҳ сизларни (ҳам) яхши кўради ва гуноҳларингизни кечиради. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмли зотдир)»¹;

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِمَنْ كَانَ يَرْجُو اللَّهَ

وَالْيَوْمَ الْآخِرِ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا﴾

«Аллоҳнинг пайғамбаридан сизлар - Аллоҳ ва охиратдан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд олган кишилар учун намуна бордир».²

Аллоҳ таъоло пайғамбарга итоат этишни Қуръон Каримнинг қирққа яқин ерида зикр қилди (Ибн Таймийя, «Мажмуъул-фатово»,1:4).

Банданинг бахт-саодати, охиратдаги нажоти Аллоҳнинг пайғамбарига эргашишдадир:

¹ «Оли Имрон»: 31

² «Аҳзоб»: 21

﴿ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ وَمَنْ يُطِغِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَذَلِكَ الْقَوْزُ الْعَظِيمُ ﴾ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُدْخِلْهُ نَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُهِينٌ ﴿﴾

«...Ким Аллоҳ ва унинг расулига итоат этса остларидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритади. Улар у ерда мангу қоладилар. Бу буюк ютукдир. Ким Аллоҳ ва унинг расулига осий бўлиб Аллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидан тажовуз қилса, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш жаҳаннамга киритади. Ва унинг учун хорловчи азоб бордир».¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларини яхши кўришни иймон ҳаловатига эришиш сабабларидан бири қилдилар:

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ وَجَدَ حَلَاوَةَ الْإِيمَانِ أَنْ يَكُونَ اللَّهُ وَرَسُولَهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا ... (متفق عليه)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Уч хислат бор. Улар кимда бўлса, у одам иймон ҳаловатини топади: «Аллоҳ ва расули унга бошқалардан кўра севимлироқ бўлса..».²

¹ «Нисо»: 13,14

² Муттафақун алайҳ

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَلَدِهِ وَوَالِدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ
(رواه مسلم)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Мен сизлардан бирингизга фарзандидан, отасидан ва барча инсонлардан кўра севимлироқ бўлмагунимча, у одам (ҳақиқий) мўмин бўла олмайди»¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлари покиза ҳаёт бўлиб, ундан ўрганамиз ва уни ҳаётимизга татбиқ этамиз.

¹ Имом Муслим ривояти.

Сафар

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонлари томон сафар қилиш, ул зот ҳаётининг икир-чикирлари ва муомала санъатини кўриш аслида ўта қизиқарли иш. Энди биз шу иш ортидан ажру-савобни ҳам умид қилсакчи?!

Албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаёти насиҳат ва ибрат, сийрат ва намуна, эргашиш ва ўрнак олишдир. Бу сафаримиз китоблар ва саҳобалар тилидан нақл қилинган ривоятлар воситаси ила бўлади. Зотан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек, учта масжиддан бошқа ҳар қандай жойга (ибодат қасди билан) сафар қилиш мумкин эмасдир.

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا تُشَدُّ الرَّحَالَ إِلَّا إِلَى ثَلَاثَةِ مَسَاجِدَ مَسْجِدِ الْحَرَامِ وَمَسْجِدِي هَذَا وَمَسْجِدِ الْأَقْصَى (رواه الترمذي)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Учта масжиддан – Масжидул Ҳаром, Менинг Масжидим ва Масжидул Ақсодан бошқа ўринга (зиёрат ва ибодат учун) сафар қилинмайди»¹.

Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу амрларига бўйсунимиз ва уч масжиддан

¹ Имом Термизий ривояти.

бошқа ҳеч бир ерга (ибодат ниятида) қасдли сафарга чиқмаслигимиз керак. Зеро, Аллоҳ таъоло:

﴿وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا﴾

«Пайғамбар олиб келган нарсаларни маҳкам ушланглар ва қайтарган нарсалардан тийилинглар!»,¹ демокда.

Биз пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадамжоларини ҳам қасд қилмаймиз.

Ибн Ваззоҳ раҳимаҳуллоҳ дедилар:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу остида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилинган дарахтни кесиб ташлашга амр қилди. Чунки, одамлар у жойга бориб, дарахт остида намоз ўқир эдилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу одамлардан ширк амали содир бўлиб қолишидан қўрққан эдилар».

Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ Ҳиро ғори ҳақида шундай дейди:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар бўлишдан аввал у горда ибодат қилган ва ўша горда биринчи ваҳий нозил бўлган эди. Бироқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ваҳий нозил бўлгандан сўнг, у горга, ҳатто унинг яқинига ҳам қайтиб бормадилар, шунингдек асҳоблари ҳам яқин йўламадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар бўлганларидан сўнг ўн йилдан кўпроқ Макка шаҳрида қолганларига қарамай, бирон марта ҳам Ҳиро горини зиёрат қилмадилар ва унга чиқмадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

¹ «Ҳашр»: 7

салламга иймон келтирган бирон бир саҳоба ҳам, у зорга бормади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижратдан сўнг Ҳудайбийя ва Жиъиррона ҳамда Фатҳ йилидаги умраларида Маккага бир неча марта келдилар ва Фатҳ йилида йигирма кунча қолдилар, аммо Ҳиро зорига бормадилар ва уни зиёрат қилмадилар»¹.

Мана биз Мадинаи Мунавварага нигоҳ ташлаймиз. Унинг катта белгиларидан бири – Уҳуд тоғи рўпарамизда кўрина бошлади.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилади:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَلَعَ لَهُ أُحُدٌ فَقَالَ هَذَا جَبَلٌ يُجِنُّنَا وَنُجِبُهُ (رواه البخاري)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд тоғига кўзлари тушиганда: **«Бу тоғ бизни севади ва биз ҳам уни севамиз»** деган эдилар.²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларига қадам ранжида қилишдан аввал, уйнинг қурилиши ва шаклига назар ташлаймиз. Агар кичкинагина уй, соддагина ётоқ-жойни кўрсак бундан ажабланмайлик. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дунёда одамларнинг энг зоҳиди, дунёвий ашёлари кам, дунёнинг зийнат ва бойликларига кўз тикмаган, балки «қувончи намозда қилинган»³ зот эдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан:

¹ Ибн Таймийя, «Мажмуъул-фатава», 27:251

² Муттафақун алайҳ.

³ Насоий ривояти.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا لِي وَمَا لِلدُّنْيَا
مَا أَنَا فِي الدُّنْيَا إِلَّا كَرَائِبٍ اسْتِظَلَّ تَحْتَ شَجَرَةٍ ثُمَّ رَاحَ وَتَرَكَهَا (رواه
الترمذي)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дунё ҳақида: «Менинг дунё билан ишим нима! Менинг дунёдаги мисолим бир дарахт остида озгина салқинлаб, сўнгра уни тарк қилиб йўлида давом этган отлиқ кабидир», деган эдилар.¹

Энди Мадина кўчаларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйлари томон юриб бормоқдамиз. Ана, баъзилари хурмо бутоклари устига лой чаплаб, баъзилари эса тош териб қурилган, томлари хурмо барглари билан тўсилган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг уйлари кўринди.

Ҳасан розияллоҳу анҳу шундай дер эди:

«Мен Усмон розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг уйларига кирардим, шифтларини (настлиги сабаб) қўлларим билан ушлардим».²

Бу уйлар камтарона ва кичик ҳужралардан иборат эди. Бироқ, иймон, тоат, ваҳий ва рисолат билан обод эди.

¹ Термизий ривояти.

² Ибн Саъд «ат-Табақотул-Кубро», 1:274

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўринишлари

Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларига яқинлашиб, кириш учун рухсат сўраб эшикларини қоқамиз. Сўнгра, хаёлан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган одамлар билан суҳбатга киришамиз. Улар бизга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак ташқи кўринишлари ва табассумли юзларини кўриб турганимиздек таърифлаб беради.

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу дедилар:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар ичида юзи чиройлироғи, ахлоқи гўзалроғи ва ўрта бўйли эдилар»¹.

Бошқа ривоятда дедилар:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўрта бўйли, кенг елкали бўлиб, сочлари қулоқларининг юмшоқлари қадар тушар эди. Мен қизил либосда у зотдан кўра чиройлироқ одамни кўрмадим»².

Абу Исҳоқ Сабийий раҳимаҳуллоҳ дедилар:

«Бир одам Бароъ ибн Озибдан: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари қилич каби эдими?» — деб сўраганида: «Йўқ, Ой каби эди» — деб жавоб берди»³.

Анас розияллоҳу анҳу дедилар:

¹ Имом Бухорий ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

³ Имом Бухорий ривояти.

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кафтларидан кўра мулойимроқ бўлган на ипак на бошқа нарсани ушламадим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бўйидан кўра хушбўйроқ ҳидни топмадим».*¹

Ҳаё ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатларидан бири эди. Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳу дедилар:

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чимилдиққа кирган бокира қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Агар бирон нарсани ёқтирмасалар, биз уни юзларидан ўқир эдик».*²

Булар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хилқати ва хулқи ҳақида нақл қилинган баъзи сифатлар, холос. Ҳолбуки, Аллоҳ таъоло пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хилқати ва хулқини мукаммал қилиб яратгандир.

Гапиришлари

Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ва у зотнинг баъзи сифатларини кўрдик. Энди у зотнинг гапиришлари ва сўзлаш услублари билан танишамиз.

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизлар каби тез гапирмас, балки, равон ва дона–дона гапирар

¹ Муттафақун алайҳ.

² Имом Бухорий ривояти.

*ва атрофидагилар унинг сўзларини ёдлаб олар эдилар».*¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мулойим, атрофдаги одамларнинг тушунишларини севар, Умматга ҳарис бўлганларидан одамлар ўртасидаги фарқларни, тушуниш ва англаб олиш даражаларини риоя қилар эдилар. Бу эса сабрли ва ҳалим бўлиш кераклигини тақозо қилар эди.

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари уни эшитган ҳар бир киши тушуна оладиган дона–дона эди».*²

Сиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари яхши тушунилиши учун бир неча марта такрорлаётгандаги сабрлари ва юракларининг кенглигини мулоҳаза қилинг!!..

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхши тушунилиши учун бир сўзни уч марта такрорлар эдилар» — деди.³

Баъзи одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келганида у зотнинг ҳайбатидан кўрқувга тушар, шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга мулойим гапириб, юракларидаги кўрқувни кетказар эдилар.

Абу Масъуд (Укба ибн Амр) розияллоҳу анҳу дедилар:

¹ Абу Довуд ривояти.

² Абу Довуд ривояти.

³ Имом Бухорий ривояти.

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ قَالَ أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ فَكَلَّمَهُ فَجَعَلَ
تُرْعَدُ فَرَأَيْصُهُ فَقَالَ لَهُ هَوْنٌ عَلَيْكَ فَإِنِّي لَسْتُ بِمَمْلُوكٍ إِنَّمَا أَنَا ابْنُ امْرَأَةٍ
تَأْكُلُ الْقَدِيدَ (رواه ابن ماجه)

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурига бир одам келди, у билан гаплашдилар. У одамнинг оёқ-қўли титрай бошлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Тинчлан, мен подшоҳ эмасман. Мен қуритилган гўшт ейдиган оддий бир аёлнинг фарзандиман, холос» - дедилар»¹.

Уй жиҳозлари

Биз пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйлари ичидамиз. Келинг, унга бир нигоҳ ташлайлик. Саҳобалар бизга бу уйда бўлган кўрпа-тўшак ва бошқа жиҳозлар ҳақида сўзлаб берсинлар.

Табиийки, биз хоналар ва ҳовлиларга изнсиз нигоҳ ташлаш мумкин эмаслигини биламиз. Бироқ, бу муборак уйнинг баъзи ашёларига намуна ва ўрнак олиш учун қараймиз. Дарҳақиқат, бу уйнинг пойдевори камтарлик, сармоясига эса иймондир. Унинг деворларига боқинг, унда бугунги кунда кўплаб мусулмонлар уйларига осиб қўядиган жонли нарсаларнинг суратлари йўқ!

Абу Талҳа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

¹ Ибн Можа ривояти.

عَنْ أَبِي طَلْحَةَ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا تَدْخُلُ
الْمَلَائِكَةُ بَيْتًا فِيهِ كَلْبٌ وَلَا صُورَةٌ (رواه ابن ماجه)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Ит ва суратлар бўлган уйга фаришталар кирмайди».¹

Энди Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кундалик ҳаётида истеъмол қилган буюмларга бир назар ташланг.

Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинади:

حَدَّثَنِي عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ قَالَ دَخَلْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ عَلَى حَصِيرٍ قَالَ فَجَلَسْتُ فَإِذَا عَلَيْهِ إِزَارٌ وَلَيْسَ عَلَيْهِ
غَيْرُهُ وَإِذَا الْحَصِيرُ قَدْ أَثَّرَ فِي جَنْبِهِ وَإِذَا أَنَا بِقَبْضَةٍ مِنْ شَعِيرٍ نَحْوِ الصَّاعِ
وَقَرِظٍ فِي نَاحِيَةِ فِي الْعُرْفَةِ وَإِذَا إِهَابٌ مُعَلَّقٌ فَاثْتَدَرْتُ عَيْنَايَ فَقَالَ مَا
يُبْنِيكَ يَا ابْنَ الْخَطَّابِ فَقُلْتُ يَا نَبِيَّ اللَّهِ وَمَالِي لَا أَبْجِي وَهَذَا الْحَصِيرُ
قَدْ أَثَّرَ فِي جَنْبِكَ وَهَذِهِ خِرَانَتُكَ لَا أَرَى فِيهَا إِلَّا مَا أَرَى وَذَلِكَ كِسْرِي
وَقَيْصَرُ فِي الثَّمَارِ وَالْأَنْهَارِ وَأَنْتَ نَبِيُّ اللَّهِ وَصَفْوَتُهُ وَهَذِهِ خِرَانَتُكَ قَالَ يَا
ابْنَ الْخَطَّابِ أَلَا تَرْضَى أَنْ تَكُونَ لَنَا الْآخِرَةُ وَهُمْ الدُّنْيَا قُلْتُ بَلَى
(رواه ابن ماجه)

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирдим, ул зот бўйра устида ётибдилар. Олдиларига ўтирдим, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва

¹ Ибн Можа ривояти.

салламнинг эғнида фақат изор (белдан настга кийиладиган кийим) бор эди, холос. Бўйра ёнбошларига ботиб кетибди, уйдаги нарсаларга назар ташладим. Уйнинг бир четида уч-тўрт ховуч арпа, акас қўзоғи ва деворда осиглик мешни кўриб кўзимдан ёш қуйилди.

- **«Эй Умар, нимага йиглаяпсиз»,** деб сўрадилар.

- **«Эй Набиюллоҳ, нега йигламас эканман, бўйра ёнбошингизга ботиб кетган бўлса, уйингизда нима борлигини ҳам кўриб турган бўлсам! Кисро ва Қайсарларни қаранг, ноз-неъматлар, анҳорлар ичра бўлишса-ю, сиз Аллоҳнинг пайгамбари, мухтор бандасининг ҳоли бу бўлса!»**

- **«Эй Хаттобнинг ўғли, охират бизга ва дунё уларга бўлишига рози эмасмисиз?!»** - дедилар.¹

Собит раҳимахуллоҳ дедилар:

«Анас ибн Молик розияллоху анху бизга ёгочдан қилинган, қўпол ва белидан темир «белбоғ» билан боғланган қадаҳни кўрсатди ва: «Эй Собит, бу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг қадаҳлари» - деди»².

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шу қадаҳда сув, ивитилган хурмо шарбати, асал ва сут ичар эдилар.

Анас розияллоху анху: **«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ичар эканлар уч марта нафас олар эдилар» — деди³.**

¹ Ибн Можа ривояти.

² Имом Термизий ривояти.

³ Муттафақун алайҳ

Яъни, бир кўтаришда симирмасдан, уч бўлиб ичар эдилар.

*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам идиши ичида нафас олиши ёки идишига пуфлашдан қайтарганлар*¹.

Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жиҳод, ҳарбий тўқнашувлар ва жанговар кунларида кийган совут ҳозир уйда йўқ бўлса керак. Оиша розияллоҳу анҳонинг айтишига қараганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни бир яҳудийдан қарзга олган ўттиз соъ арпа эвазига унинг олдига гаровга қўйган эканлар². Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар, совут эса яҳудий олдида гаровлигича қолди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оиласи олдига кўққисдан бостириб келмас, балки, киришларини оиласига билдириб кирардилар. Кирганларида уларга салом берад эдилар³.

Синчков кўз ва онгли қалб билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларида фикр юритинг:

Фазола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

¹ Имом Термизий ривояти.

² Мутгафакун алайҳ

³ Ибн Қоййим «Зодул-Маод», 2:381

عَنْ فَضَالَةَ بْنِ عُبَيْدٍ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ طُوبَى لِمَنْ هُدِيَ إِلَى الْإِسْلَامِ وَكَانَ عَيْشُهُ كَفَافًا وَقَنَعَ (رواه الترمذي)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар «Исломга ҳидоятланган, ҳаёти кундалик тирикчилигига етадиган даражада бўлиб, шунга қаноат қилган кишига Тубо (жаннати) бўлсин!»¹.

Мана бу улуғ ҳадисга ҳам қулоқ солинг:

Абдуллоҳ ибн Миҳсон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ سَلَمَةَ بْنِ عُبَيْدِ اللَّهِ بْنِ مِحْصَنِ الْخَطْمِيِّ عَنْ أَبِيهِ وَكَانَتْ لَهُ صُحْبَةٌ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ أَصْبَحَ مِنْكُمْ آمِنًا فِي سِرِّهِ مُعَافَى فِي جَسَدِهِ عِنْدَهُ قُوْتُ يَوْمِهِ فَكَأَنَّمَا حَبِيزَتْ لَهُ الدُّنْيَا (رواه الترمذي)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Кимки жони омонда, баданида саломатлик, ҳузурида кундалик озуқаси билан тонг оттирган бўлса, гўё унга дунёнинг барчаси жам бўлибди»².

Қариндошлар билан алоқалари

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қариндошлик алоқаларига қанчалик эътибор

¹ Имом Термизий ривояти.

² Имом Термизий ривояти.

берганини сифатлашга тил ожизлик қилади. Чунки, у зот бу бобда башариятнинг энг комили эдилар. Ҳатто, у зотни пайғамбар бўлишларидан аввал Қурайш кофирлари ҳам мадҳ этишган ва «Ассодиқул-Амийн» (Ростгўй ва Омонатдор) деб таърифлашган, муҳтарама онамиз Хадича розияллоҳу анҳо ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: *«Сиз қариндошлик алоқаларини қиласиз ва тўғри сўзлайсиз»*, деган эдилар.

Мана қаранг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вазифаларнинг энг олийси ва ҳақларнинг энг буюгини адо этмоқдалар: етти ёшларида айрилган оналарининг қабрини зиёрат қилмоқдалар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ زَارَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْرَ أُمِّهِ فَبَكَى وَأَبْكَى مَنْ حَوْلَهُ فَقَالَ اسْتَأْذَنْتُ رَبِّي فِي أَنْ أَسْتَغْفِرَ لَهَا فَلَمْ يُؤْذَنْ لِي وَاسْتَأْذَنْتُهُ فِي أَنْ أَزُورَ قَبْرَهَا فَأُذِنَ لِي فَرُورُوا الْقُبُورَ فَإِنَّهَا تُدَكِّرُ الْمَوْتَ (رواه مسلم)

«Пайғамбар алайҳиссалом оналарининг қабрини зиёрат қилиб ўзлари ҳам йиғладилар, ёнидагиларни ҳам йиғлатдилар.

Сўнгера: *«Парвардигоримдан онамга истиғфор сўрашга рухсат сўраган эдим бунга изн берилмади. Онамнинг қабрини зиёрат қилишга рухсат сўраган эдим, бунга изн берилди. Сизлар ҳам қабрларни*

зиёрат қилинганлар, чунки улар ўлимни эслатади»- дедилар». ¹

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қариндошларига бўлган меҳри, уларни Исломга даъват этиш, тўғри йўлни кўрсатиш ва жаҳаннамдан қутқариш учун қанчалар тиришганлари ва бу йўлда оғир машаққатларни кўтарганлари ҳақида ўйлаб кўринг...

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ لَمَّا أَنْزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ ﴿وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ﴾
 دَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قُرَيْشًا فَاجْتَمَعُوا فَعَمَّ وَخَصَّ فَقَالَ
 يَا بَنِي كَعْبِ بْنِ لُؤَيٍّ أَنْقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ يَا بَنِي مُرَّةَ بْنِ كَعْبِ
 أَنْقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ يَا بَنِي عَبْدِ شَمْسٍ أَنْقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ يَا
 بَنِي عَبْدِ مَنَافٍ أَنْقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ يَا بَنِي هَاشِمٍ أَنْقِدُوا أَنْفُسَكُمْ
 مِنَ النَّارِ يَا بَنِي عَبْدِ الْمُطَّلِبِ أَنْقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ يَا فَاطِمَةُ أَنْقِذِي
 نَفْسَكَ مِنَ النَّارِ فَإِنِّي لَا أَمْلِكُ لَكُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا غَيْرَ أَنَّ لَكُمْ رَحْمًا
 سَأَبُلُّهَا بِبِلَالِهَا (رواه مسلم)

«Яқин қариндошларингизни (жаҳаннам азобидан) огоҳлантиринг!» ояти ² нозил бўлганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурайиш қабиласини чақирдилар, жамланишигач, уларга қарата умумий ва хусусий хитоблар қилдилар: **«Эй Бану Абду Шамс, эй Бану Каъб ибн Луай, ўзингларни**

¹ Имом Муслим ривояти.

² «Шуаро»:214

жаҳаннамдан қутқаринглар! Эй Бану Мурра ибн Каъб, ўзингларни жаҳаннамдан қутқаринглар! Эй Бану Абду Маноф, Эй Бану Ҳошим, ўзингларни жаҳаннамдан қутқаринглар! Эй Бану Абдулмутталиб, ўзингларни жаҳаннамдан қутқаринглар! Эй Фотима, ўзингни жаҳаннамдан қутқар! Мен сизлар учун Аллоҳ ҳузурида бирон нарсага эга эмасман, Бироқ, ўртамизда қариндошлик бўлиб, у билан сизларга (дунёда) алоқа қиламан, холос»¹.

Қаранг, севимли пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакилари Абу Толибни Исломга қайта-қайта даъват қилдилар. Ҳатто, у ўлим тўшагида ётганида ҳам олдига келиб даъват этдилар.

«Абу Толиб ўлар вақтида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ҳузурига кирдилар. Унинг олдида Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Аби Умайя бор эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Эй амаки, «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ) деб айтинг, бу калимани Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузурида сиз учун хужжат қилай» — дедилар.

Абу Лаҳаб ва Абдуллоҳ ибн Аби Умайя: «Эй Абу Толиб, Абдулмутталибнинг миллатидан воз кечасанми?!» - дедилар. У иккиси гапиравердирлар, гапиравердилар ва охири Абу Толиб уларга: «Мен Абдулмутталибнинг миллатидаман» - деди».

¹ Имом Муслим ривояти.

Шундай бўлсада, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Модомики, менга таъқиқланган эмас экан, сиз учун истиғфор айтаман» - дедилар. Шунда:

﴿ مَا كَانَ لِلنَّبِيِّ وَالَّذِينَ آمَنُوا أَنْ يَسْتَغْفِرُوا لِلْمُشْرِكِينَ وَلَوْ كَانُوا أُولِي قُرْبَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُمْ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴾

«Пайғамбар ва иймон келтирганларнинг, жаҳаннам аҳлидан эканлиги маълум бўлганидан сўнг қариндошлари бўлсада, мушриклар учун истиғфор айтишлари мумкин эмасдир»¹ ва

﴿ إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ ﴾

«Сиз яхши кўрган одамларингизни тўғри йўлга йўллай олмайсиз, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини ҳидоят қилур.»² оятлари нозил бўлди»³.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхшилик қилиш учун Абу Толибни тириклик пайтида ҳам кўп даъват қилган, ҳатто ҳаётининг охириги лаҳзаларида ҳам Ислом динига чақирган ва ўлганидан сўнг истиғфор айтган эдилар. Оят нозил бўлиши билан Аллоҳга итоат қилдилар-да, мушрик қариндошлари учун дуо қилишдан тўхтадилар.

Бу - Уммат учун катта меҳрнинг кўринишларидан, қолаверса, Ислом учун дўстлашиш ва гарчи қариндошлар бўлсада, кофир ва мушриклардан безор бўлиш кўринишларидан биридир.

¹ «Тавба»:113

² «Қасас»:56

³ Имом Аҳмад, Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари.

Пайғамбар уйларида

Инсонинг уйи - гўзал хулқи, одоб камолоти, чиройли муомаласи ва ички дунёсининг софлигини кўрсатиб берадиган ҳақиқий макондир. Хоналар ва деворлар ортида, ҳеч ким кўрмайдиган бир ерда ўз кули, хизматкори ёки аёли билан бўлган муомалаларида унинг табиатидаги бошқаларга маълум бўлмаган барча тарафлар намоён бўлади.

Биз бу Умматнинг пайғамбари, сарвари ва муаллими бўлган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай буюк мақом ва олий даражада бўлишларига қарамай ўз уйларида қандай ҳолатда бўлганлари ҳақидаги сўзларга кулоқ тутайлик:

Оиша розияллоҳу анҳодан Расулуллоҳ уйда нима ишлар қилиши ҳақида сўралганида: *«Одамлардан бири эдилар: кийимларини тозалар, эчки соғар ва ўз ўзига хизмат қилар эдилар»* - деб жавоб берган эдилар.¹

Дарҳақиқат, бу - камтарлик, кибрсизлик ва бошқаларга «юк» бўлмаслик намунасидир. Бу - ўртоқлик ва ҳамкорликдаги олийжанобликдир. Одам боласининг энг сараси шу ишларни қиляпдими-я?!

Бутун оламга Ислом нури таралган ушбу муборак хонадонда унинг соҳиби бўлган бу улуғ зот қорнини тўйдирадиган нарсага эга эмас эди!

Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётини эсга олар экан: *«Мен пайғамбарингизнинг сифатсиз-ёмон*

¹ Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти.

хурмолардан қорнини тўйдирадиган миқдорини топа олмаганини кўрганман» - деди¹.

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар: «Биз - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оиласи бир ойлаб қозон осмасдан ўтказардик. Ейдиган нарсамиз фақат хурмо ва сув эди, холос».²

Бу хонадонда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни тоат-ибодат қилишларига монъелик қиладиган бирон нарса йўқ эди. Шунинг учун ҳам, «Ҳаййа алас-солат» (Намозга шошилинглар) «Ҳаййа алал-фалаҳ» (Нажотга шошилинглар!) нидосини эшитишлари биланоқ тезда унга ижобат қилиб, дунё ишларини ортларида қолдирар эдилар!

Асвад ибн Зайд дедилар: «Мен Оиша розияллоҳу анҳодан: «Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларида нима иш қилар эдилар?» — деб сўрадим. «Аҳлининг хизматларини қилар, намоз вақти бўлса, намозга чиқар эдилар» — деб жавоб бердилар».³

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фарз намозини уйда ўқиганлари асло ривоят қилинган эмас. Фақат вафотларидан олдинги касалликларида, қаттиқ иситмалаб, намозга чиқишлари қийинлашгандагина уйларида ўқиганлар.

Умматларига ўта шафқатли ва меҳрибон бўлсаларда, намозларини жамоат билан масжидларда ўқимаган кишилар ҳақида қаттиқ сўз айтдилар:

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

³ Имом Бухорий ривояти.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَدَ نَاسًا فِي بَعْضِ الصَّلَوَاتِ فَقَالَ لَقَدْ هَمَمْتُ أَنْ أَمُرَ رَجُلًا يُصَلِّيَ بِالنَّاسِ ثُمَّ أُخَالِفَ إِلَى رِجَالٍ يَتَخَلَّفُونَ عَنْهَا فَأَمَرَ بِهِمْ فَيَحْرَقُوا عَلَيْهِمْ بِحُزْمِ الْحَطَبِ بُيُوتَهُمْ ... (رواه مسلم)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айрим кишилар баъзи намозларда кўринмаганларида шундай дедилар:

«Амр этсам, намоз ўқиш учун такбир айтилса. Кейин бир кишини одамларга имом бўлиб намоз ўқишга буюрсам. Сўнгра, мен бог-бог ўтин кўтарган одамлар билан бориб, намозга келмаган одамларнинг уйларини ёқиб юборсам, деб қоламан».¹

Бу (фарз) намозларни жамоат билан ўқишнинг ўта муҳимлигидан эди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ سَمِعَ النَّدَاءَ فَلَمْ يَأْتِهِ فَلَا صَلَاةَ لَهُ إِلَّا مِنْ عُذْرٍ (رواه ابن ماجه)

*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Азонни эшитиб, (жамоатга) келмаган одамнинг намози намоз эмасдир, фақат узри бўлсагина жоиздир» - дедилар*². Узр эса хатар ёки касалликдир.

¹ Бухорий ва Муслим ривояти.

² Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоятлари

Бугунги кунда масжидларга чиқмай, хонасалот бўлиб қолган «намозхон»лар ҳолига нима дейиш мумкин?! Уларнинг касал ёки кўрқинчдан бўлган узрлари қани?!!

Турмушдаги хусусиятлари

Инсоннинг юриш-туриши унинг ақлининг мезони ва қалбининг калитидир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни энг яхши биладиган, ҳолатларини энг яхши сифатлаб берадиган зот – уммул мўъминин Оиша розияллоҳу анҳодирлар. Чунки у зот Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга уйқуларида ва бедорликларида, бетоблик ва саломатликларида, хурсандлик ва маҳзун ҳолатларида ҳамиша ҳамроҳ эдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёмон ишларни қилувчи, ҳаёсиз сўзларни сўзлагувчи, бозорларда шовқин қилувчи эмас эдилар. Ёмонликка ёмонлик қайтармас, балки авф қилар ва кечирар эдилар»¹.

Бутун оламга раҳмат қилиб юборилган ул зоти шарифнинг хислатларидан баъзисини бизга сеvimли набиралари Хусайн розияллоҳу анҳу сифатлаб берадилар:

«Отамдан пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суҳбатдошлари билан бўлган муносабатлари ҳақида сўраганимда, айтдиларки:

¹ Имом Аҳмад ривояти.

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам доимо қувноқ, мулойим ва гўзал ахлоқли зот эдилар.

Ул зот қўпол ва бақироқ эмас, бировларнинг айбларини изловчи эмас эдилар.

Ёқтирмаган нарсаларига эътиборсиз қарар, умидвор кимсани ноумид қилмас эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч нарса: риёкорлик, сергаплик ва фойдасиз нарсаларни тарк этган эди.

Одамларни ҳам уч ҳолатда қўйган: бирон бир кимсани айбламас, мазаммат қилмас ёки унинг сирларини билишига интилмас эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам савобини умид қилган сўзнигина сўзлар, гапирганларида саҳобалар бошларида қуш қўниб тургандек, жим ўтиришар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларини тугатганларидан кейингина гапирар эдилар.

Саҳобалар ул зотнинг олдида бир-бирлари билан гап талашмас, бирлари гапирса, бошқалари то у гапини тугатгунча қулоқ солишар эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биринчи бўлиб гапира бошлаган саҳобанинг сўзини тинглар, саҳобалар кулган нарсаларга кулар, ажабланган нарсаларидан ажабланар, бирор нотаниш одамнинг қўпол сўзлари ва ноўрин талабларига сабр қилар, буни кўрган саҳобалар нотаниш одамни чеккага олиб чиқиб кетишни хоҳлаб қўлларидан ушласалар:

«Эҳтиёжини сўраган одамни кўрсангиз, унга кўмакчи бўлинглар!» –дер эдилар.

*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам лойиқ бўлган одамлардангина мақтовни қабул қилар, ҳеч кимнинг сўзларини тугатмагунча бўлмас, ҳаддидан ошсагина унинг сўзини қайтариқ ёки ўринларидан туриб кетиш билан бўлар эдилар».*¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хислатлари ҳақида бирма-бир фикр юритиб кўринг ва ундан ўзингиз учун фойда олишга ҳаракат қилинг! Чунки, улар яхшилик мажмуасидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хислатларидан бири - суҳбатдошларига дин аҳкомларини ўргатишдир.

Ул зотнинг сўз ва таълимларидан намуналар:

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ مَاتَ وَهُوَ يَدْعُو مِنْ دُونِ اللَّهِ نَدَا دَخَلَ النَّارَ (رواه البخاري)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Кимки, Аллоҳдан бошқасини (Аллоҳга) тенг қилиб унга ибодат қилган ҳолда вафот этса, жаҳаннамга киради»².

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

¹ Имом Термизий ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ الْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ وَالْمُهَاجِرُ مَنْ هَجَرَ مَا نَهَى اللَّهُ عَنْهُ (رواه البخاري)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Ҳақиқий мусулмон мусулмонлар унинг қўли ва тилидан саломат бўлган кишидир, муҳожир эса Аллоҳ қайтарган нарсаларни тарк этган кишидир».¹

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ بُرَيْدَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ بَشَّرَ الْمَشَائِينَ فِي الظُّلَمِ إِلَى الْمَسَاجِدِ بِالنُّورِ التَّامِّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ (رواه الترمذي وأبو داود)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Зулматларда масжидларга кўп борувчи кишиларга Қиёмат кунида бериладиган комил нурдан башорат берингиз!»²

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ أَنَسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ جَاهِدُوا الْمُشْرِكِينَ بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ وَالسِّنْتِكُمْ (رواه أبو داود)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

¹ Бухорий ва Муслим ривояти.

² Термизий ва Абу Довуд ривояти.

«Мушириклар билан молингиз, жонингиз ва тилингиз билан курашингиз!»¹

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مَا يَتَّبِعُنَّ مَا فِيهَا يَهْوِي بِهَا فِي النَّارِ أَبَعَدَ مَا بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ (رواه مسلم)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Банда фарқламасдан (яъни, ўйламасдан) бир сўзни айтади-да, ана шу сўз сабабли жаҳаннамга Маширик билан Мағриб ўртасидан узоқроқ бўлган масофага тушади»².

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ادْعُ عَلَيَّ الْمُشْرِكِينَ قَالَ إِنِّي لَمْ أُبْعَثْ لِعَانًا وَإِنَّمَا بُعِثْتُ رَحْمَةً (رواه مسلم)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Мен лаънатловчи бўлиб жўнатилмадим, балки, раҳмат қилиб юборилдим»³.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

¹ Абу Довуд ривояти.

² Бухорий ва Муслим ривояти.

³ Имом Муслим ривояти.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ سَمِعَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ عَلَى الْمِنْبَرِ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ لَا تُظْرُونِي كَمَا أَطْرَتِ النَّصَارَى ابْنَ مَرْيَمَ فَإِنَّمَا أَنَا عَبْدُهُ فَاقُولُوا عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ (رواه البخاري)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

Мени насронийлар Ийсо ибн Марямни ҳаддан зиёд мадҳ этганларидек мадҳ этманглар. Мен (Аллоҳнинг) бандасиман, холос. «Аллоҳнинг қули ва элчиси» денглар - дедилар¹.

Жундаб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтадилар:

حَدَّثَنِي جُنْدَبٌ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلَ أَنْ يَمُوتَ بِخَمْسٍ وَهُوَ يَقُولُ إِنِّي أَبْرَأُ إِلَى اللَّهِ أَنْ يَكُونَ لِي مِنْكُمْ خَلِيلٌ فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى قَدْ اتَّخَذَنِي خَلِيلًا كَمَا اتَّخَذَ إِبْرَاهِيمَ خَلِيلًا وَلَوْ كُنْتُ مُتَّخِذًا مِنْ أُمَّتِي خَلِيلًا لَاتَّخَذْتُ أَبَا بَكْرٍ خَلِيلًا أَلَا وَإِنَّ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ كَانُوا يَتَّخِذُونَ قُبُورَ أَنْبِيَائِهِمْ وَصَالِحِيهِمْ مَسَاجِدَ أَلَا فَلَا تَتَّخِذُوا الْقُبُورَ مَسَاجِدَ إِنِّي أَنهَاكُمُ عَنْ ذَلِكَ (رواه مسلم)

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўлимларидан беш кун аввал шу сўзларни айтганларини эшитганман:

«Мен сизлардан бирингиз менга халил² бўлишидан пок эканлигимни Аллоҳга билдираман.

¹ Бухорий ва Муслим ривояти.

² - Халилнинг маъноси дўстникдан анча кучлидир. Халил халилига бутун вужуди билан боғланиб қолади. Гўёки у факат

Чунки, у мени ҳам, Иброҳимни қилгани каби ўзига халил қилиб олди. Агар умматим ичидан биронтасини халил қилсайдим, Абу Бакрни халил қилиб олар эдим. Огоҳ бўлингларки, сизлардан аввал яшаб ўтган халқлар пайгамбарларининг қабрларини саждагоҳ-масжид қилиб олар эдилар. Қабрларни саждагоҳ-масжид қилиб олманглар! Мен сизларни бундан қайтараман!»¹

Шунинг учун ҳам ичида бир ёки бир неча қабрлар бўлган масжидларда намоз ўқиш мумкин эмасдир.

халилиники бўлиб қолади. Шунинг учун халилга дўст деб маъно айтиш тўғри келмайди.

¹ Имом Муслим ривояти.

Қизларига муомалалари

Жоҳилият даврида қиз боланинг туғилиши нафақат ота-онаси, оиласи ва қабиласи учун ҳам мотам куни бўлар эди. Бу жамиятдаги ҳолат қизларини ор-номусдан кўрқиб, тириклайин кўмиб юбориш даражасига етди. Тириклай кўмиш ўта қабих шаклда бўлар, унда на раҳм ва на муҳаббатга ўрин бор эди. Ҳа, қиз болани тупроққа тириклайин кўмилар эди! Улар бу жиноятда анчагина «маҳоратли» эдилар.

Улардан баъзилари қиз кўрадиган бўлса олти ёшга киргунига қадар тек қўяр, сўнгра аёлига: «Қизингга чиройли кийимларни кийдириб хушбўйла, мен уни амакиларининг олдига олиб бораман» — дерди-да, қизни аввалдан у учун саҳрода қазиб қўйган чуқурга олиб борар ва: «Қизим, шу чуқурга бир қара» — дер эди. Қиз қараётган пайтда чуқурга туртиб туширар ва устидан тупроқни ваҳшийларча тортар эди.

Мана шу жоҳилий жамият ичида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлни она, турмуш ўртоқ, опа-сингил ва амма-хола сифатида муқаррам қилган буюк дин билан майдонга чиқдилар. Қизлари ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муҳаббатига сазовор бўлдилар.

Қизлари Фотима розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирганида ул зот ўринларидан туриб, унинг қўлларидан ушлаб ўпар ва ўзларининг ўринларига ўтказар эдилар. Фотима розияллоҳу анҳо ҳам ҳузурига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кирсалар

ўрнидан туриб ул зотнинг қўлларидан ўпар ва жойига ўтказар эди¹.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизларини яхши кўриб, уларга марҳаматлар қилган бўлсалар-да, Аллоҳ таъоло «**Абу Лаҳабнинг қўли қурисин!**»² оятларини нозил қилганидан сўнг Абу Лаҳабнинг икки ўғли - Утба ва Утайбалардан Умми Гулсум ва Руқайя исмли қизларининг талоқ олишларига сабр ва Аллоҳдан ажр умид қилиб рози бўлдилар.

Бирор дақиқа бўлсин, даъватни тўхтатиш ёки орқага чекинишга рози бўлмадилар. Қурайш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга таҳдидлар қилганидан сўнг қизлари талоқ қилинди, Бироқ, ул зот сабр ва матонат билан Ислом динига чақиришда давом этдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз қизларини қандай очиқ юз билан кутиб олишлари ва гўзал муомалада бўлишларига онамиз Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилган ушбу ҳадис ҳам яққол намуна бўлади:

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كُنْتُ أَزْوَاجَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَهُ لَمْ يُعَادِرْ مِنْهُنَّ وَاحِدَةً فَأَقْبَلَتْ فَاطِمَةُ تَمْشِي مَا خُطِيَتْ مِنْ مَشِيَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْئًا فَلَمَّا رَأَاهَا رَحَبَ بِهَا فَقَالَ مَرْحَبًا بِابْنَتِي ثُمَّ أَجْلَسَهَا عَنْ يَمِينِهِ ... (رواه مسلم)

¹ Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоятлари

² «Масад» сураси

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида аёллари бор эди. Фотима розияллоҳу анҳо кириб келдилар. Унинг юриши Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг юришларидан ҳеч фарқ қилмас эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам уни кўришлари биланоқ қаршиладилар ва: «**Қизим, хуш келдингиз!**» - дедилар, сўнгра ўнг тарафларига ўтказдилар..».¹

Қизларига бўлган меҳру муҳаббати туфайли уларни зиёрат қилар, аҳволларини сўроқлар ва муаммоларини ҳал этар эдилар.

Фотима розияллоҳу анҳо бир куни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга тегирмон ишлатиш оқибатида қўлларининг кабарганини шикоят қилиб, хизматкор беришини сўрамоқчи бўлиб келдилар. Бироқ, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламни топмадилар. Шунда шикоятларини Оиша розияллоҳу анҳога айтдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам келганларида Оиша розияллоҳу анҳо хабарни етказдилар.

...Алий розияллоҳу анҳо айтадилар:

فَجَاءَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَيْنَا وَقَدْ أَخَذْنَا مَضَاجِعَنَا
فَدَهَبْنَا نَقُومُ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيَّ مَكَانِكُمْمَا فَفَعَدَدَ
بَيْنَنَا حَتَّى وَجَدْتُ بَرْدَ قَدَمِهِ عَلَيَّ صَدْرِي ثُمَّ قَالَ أَلَا أَعْلَمُكُمْمَا خَيْرًا مِمَّا
سَأَلْتُمَا إِذَا أَخَذْتُمَا مَضَاجِعَكُمْمَا أَنْ تُكَبِّرَا اللَّهَ أَرْبَعًا وَثَلَاثِينَ وَتُسَبِّحَاهُ

¹ Имом Муслим ривояти.

ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ وَتَحْمَدَاهُ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ مِّنْ خَادِمٍ (رواه مسلم)

«Ётмоқчи бўлиб жойимизга кириб турган пайтимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (изн сўраб) кириб келдилар. Биз ўрнимиздан турмоқчи бўлгандик: **«Жойингиздан қимирламанглар!»** — дедилар-да, ўртамизга келиб ўтирдилар. Мен кўкрагимда у зотнинг оёқларининг совуқлигини ҳис этдим. Сўнгра дедилар: **«Мен сизларни сўраган нарсангиздан кўра яхшироқ бўлган нарсага йўллаб қўймайми? Агар кўрпангизга ўрансангиз ёки ўрнингизга ётсангиз ўттиз тўрт марта такбир (Аллоҳ акбар), ўттиз уч марта тасбеҳ (Субханаллоҳ) ва ўттиз уч марта ҳамд (Алҳамдулиллаҳ) айтингиз! Мана шу сизларга хизматкордан кўра яхшироқдир»**¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сабру-чидамларида ва мотам тутмасликларида биз учун чиройли намуна бордир. Ҳаётлик даврларида Фотима розияллоҳу анҳодан бошқа барча ўғил-қизлари вафот этдилар. Шундай бўлса-да, ҳеч бири учун мотам тутиб, қўллари билан юзларига урмадилар, кийимларини йиртмадилар, таъзиячилар учун ўрин ҳозирлаб, зиёфатлар қилмадилар. Балки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг қазосига рози, сабрли ва савобдан умидвор бўлдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳзунларнинг ғам-қайғусини кетказувчи ва

¹ Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

мусибатланган одамга тасалли берувчи катта васият ва улуғ ҳадисларни ташлаб кетдилар.

Улардан бири Умми Салама онамиз ривоят қилган ҳадисдир:

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ أَنَّهَا قَالَتْ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَا مِنْ مُسْلِمٍ تُصِيبُهُ مُصِيبَةٌ فَيَقُولُ مَا أَمَرَهُ اللَّهُ ﴿إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ﴾ اللَّهُمَّ أَجْرِي فِي مُصِيبَتِي وَأَخْلِفْ لِي خَيْرًا مِنْهَا إِلَّا أَخْلَفَ اللَّهُ لَهُ خَيْرًا مِنْهَا (رواه مسلم)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

Қайси бир муслмонга бирон мусибат етганда Аллоҳ буюрганидек:

«Инна-а лиллаҳи ва инна-а илайҳи роҷиувн, Аллоҳумма-ъжурний фий мусибатий, ва ахлиф лий хойрон минҳа» (Биз Аллоҳникимиз ва албатта Аллоҳга қайтувчимиз, Аллоҳим, бошимга тушган мусибат учун менга ажру-савоблар ато эт ва менга бу мусибатим бадалига ундан кўра яхшироқ нарсани бер) деган сўзларни айтса, Аллоҳ таъоло ундан хайрлироқ нарсани бадал қилади.¹

Аҳли-аёлга муносабатлари

Оила қўрғонида аёл сокинлик ва унс-яқинлик аломати бўлиб қолади.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

¹ Имом Муслим ривояти.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ
الدُّنْيَا مَتَاعٌ وَخَيْرُ مَتَاعِ الدُّنْيَا الْمَرْأَةُ الصَّالِحَةُ (رواه مسلم)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Бутун дунё (инсонга) берилган неъматдир ва дунё матоларининг энг яхшиси солиҳа аёлдир», - деб марҳамат қилдилар.¹

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўзал ахлоқ ва хуш муомала соҳиби бўлганлари учун мўъминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳонинг исмини қисқартиб, унга севинчли хабар бериб чақирганини кўрамиз!

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

إِنَّ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا يَا عَائِشَ هَذَا جِبْرِيلُ يُقْرِئُكَ السَّلَامَ (رواه البخاري)

*«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кунларнинг бирида: «Эй, Оиш, Жибрийл сизга салом айтяпти!» - дедилар*².

Ахлоқан энг баркамол ва энг олиймақом зот – Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг ҳиссий ва руҳий рағбатларини билиш ҳамда уларга нисбатан чиройли муносабатда бўлишнинг гўзал намунасини кўрсатдилар!

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

«Мен ҳайз кўрган кунларимда (бирон нарсани) ичиб, (косани) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга узатар эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам лабларимни қўйган ерга лабларини қўйиб ичар эдилар. Устухондаги гўштдан тишлар эдим, кейин пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам устухонни олардилар ва лабларимни қўйган ерга лабларини қўйиб ер эдилар»¹.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мунофиқлар ва шарқшунослар уйдирмаю ботил даъволар билан айблаганларидек эмас, балки, аёлга нисбатан эрнинг энг гўзал ва юксак муносабатини ўзларида кўрсатар эдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо дейдилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларидан бирини ўпар ва таҳорат қилмай намозга чиқар эдилар»².

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп ўринларда ўз хузурларида аёлнинг олий мақоми ва юксак мартабаси борлигини кўрсатдилар.

Мисол учун, Амр ибн Ос розияллоҳу анҳунинг саволига жавоб бериб, аёлга бўлган муҳаббат ҳар томонлама етук, тўғри бўлган эркак учун хижолатли эмаслигини билдирдилар!

Унинг: «Сиз учун энг севимли одам ким?» - деган саволига: **«Оиша»** - деб жавоб бердилар³.

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти.

³ Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

Ҳаётида оилавий бахт-саодатга эришишни истаган одам, Оиша розияллоҳу анҳо нақл қилган ҳадис ва Оиша розияллоҳу анҳога Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай муомала қилгани ҳақида тафаккур қилиб кўрсин!

Оиша розияллоҳу анҳо:

«Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир идишдан гусл қилар ва унга бирин кетин қўл солар эдик» - дедилар¹.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллари қалбига севинч киритиш ва унга бахтиёрликни ҳис эттириш учун ҳар бир мубох фурсатни ғанимат билар эдилар!

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ خَرَجْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي بَعْضِ
 أَسْفَارِهِ وَأَنَا جَارِيَةٌ لَمْ أَحْمِلِ اللَّحْمَ وَمَ أْبْدُنُ فَقَالَ لِلنَّاسِ تَقَدَّمُوا فَتَقَدَّمُوا
 ثُمَّ قَالَ لِي تَعَالَى حَتَّى أُسَابِقَكَ فَسَابَقْتُهُ فَسَبَقْتُهُ فَسَكَتَ عَنِّي حَتَّى إِذَا
 حَمَلْتُ اللَّحْمَ وَبَدُنْتُ وَنَسِيتُ خَرَجْتُ مَعَهُ فِي بَعْضِ أَسْفَارِهِ فَقَالَ
 لِلنَّاسِ تَقَدَّمُوا فَتَقَدَّمُوا ثُمَّ قَالَ تَعَالَى حَتَّى أُسَابِقَكَ فَسَابَقْتُهُ فَسَبَقْتَنِي
 فَجَعَلَ يَضْحَكُ وَهُوَ يَقُولُ هَذِهِ بَيْتُكَ

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сафарларининг бирида йўлдош бўлдим. Мен у пайтлар нозик, ҳали тўлишмаган эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга: «Сизлар олдинга

¹ Имом Бухорий ривояти.

кетинглар!» - дедилар. Одамлар илгарилаб кетдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Келинг, чопишамиз» - дедилар. Мен у киши билан чопишдим ва ўзиб кетдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам индамай қўявердилар. (Вақт ўтиб) мен ҳам тўлишдим. Яна сафарларининг бирида ҳамроҳ бўлдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга: «Сизлар олдинга кетинглар!»- деб менга: «Келинг, чопиш мусобақаси ўйнайлик» - дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мендан ўзиб кетдилар ва кулиб: «Буниси аввалгиси билан тенг бўлди!» – дедилар¹.

Дарҳақиқат, бу латиф эркалаш ва қаттиқ эҳтимом беришдир. Одамларни олдинга кетишга буюриб, аёли билан мусобақалашуш ва унинг дилига қувонч киритиш... Қаранг, Ул Зот ўтган эркалашга янгисини ҳам қўшиб: «Буниси аввалгиси билан тенг бўлди!» — деб кўйдилар.

Аллоҳнинг кенг ерида кезиб, бугунги кунда унда яшаётган аслзодаларнинг ҳаётларига назар ташлаган одам, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қилган ишларидан ҳайратга тушади. Ҳолбуки, ул Зот пайғамбар, музаффар саркарда, Қурайш ва Бани Ҳошимнинг аслзодаси. Зафар кунларининг бирида кўп сонли лашкарни бошқариб, ғолиб бўлиб қайтдилар. Шундай бўлишига қарамай бу зот аёллари - мўъминларнинг оналарига меҳрли ва уларга мулойимдирлар!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар жангидан қайтар эканлар, Софийя бинти Хуяйга

¹ Имом Аҳмад ривояти.

уйландилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Онамиз София розияллоҳу анҳо минадиган туянинг атрофига газмол айлантириб ўраб, онамизни тўсардилар. Сўнгра бир тиззаларига чўкка тушардилар, София онамиз ул Зотнинг тиззаларига оёқларини қўйиб, туяга минардилар.¹

Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг камтарликларига далолат қиладиган таъсирли ҳолат эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам музаффар саркарда ва пайғамбар бўлишларига қарамай, аёли учун тиззасини ерга қўйиш, унга камтарлик қилиш ва унга ёрдам бериш кишининг обрўсига путур етказмаслигини умматга таълим бердилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматига қилган васиятларидан бири шудир:

Амр ибн ал-Аҳвас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْأَخْوَصِ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلَا وَاسْتَوْصُوا بِالنِّسَاءِ خَيْرًا ... (رواه الترمذي)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Огоҳ бўлинглар, аёлларга доимо яхши муносабатда бўлинглар!»²

¹ Имом Бухорий ривояти.

² Имом Термизий ривояти.

Мўминларнинг оналари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўн бир аёлга уйландилар. Улар «мўминларнинг оналари» номига мушарраф бўлдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида тўққизта аёллари бор эди. Бу мухтарама аёллар қўлга киритган шараф ва мартабалар на қадар буюк! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёши катта аёлга ҳам, бева аёлга ҳам, талоқ қўйилган аёлга ҳам, заифага ҳам уйланганлар. Улар ичида фақат Оиша онамизгина бокира эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммаҳотул-муъминийнга уйланиб, уларнинг барчасини бир ерга жам қилдилар ва адолат ва тақсимотда намуна бўлдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиқмоқчи бўлсалар аёллари ўртасида қуръа ташлар эдилар. Кимнинг қуръаси чиқса, уни ўзлари билан бирга сафарга олиб чиқар эдилар. Ҳар бир аёли учун бир кеча ва кундузни белгилар эдилар»¹.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилган ушбу ҳадис адолатнинг юксак намунасини ифодалайди:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тўққизта аёллари бор эди. Улар ўртасида бирга бўлишни тақсим қилсалар, биринчи аёлга тўққизинчи кун навбат келар эди. Аёллар ҳар оқшом навбати келган аёлнинг хонасида тўпланишар эди. Бир оқшом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша

¹ Имом Термизий ривояти.

розияллоҳу анҳонинг хонасида эдилар. Зайнаб розияллоҳу анҳо кириб келганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қўлларини узатдилар. Оиша розияллоҳу анҳо: «У Зайнаб!» - дедилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини тортиб олдилар»¹.

Пайғамбарлик нури порлаган ушбу хонадон, Аллоҳ таъолонинг пайғамбарига берган тавфиқи бўлмаса, бу даражага ета олмасди.

Қаранг, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Роббига сўзда ва амалда шукр қилмоқдалар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларини ибодат қилишга рағбатлантирар, Аллоҳ таъолонинг амрига итоат этиш учун уларга ёрдамчи бўлар эдилар:

﴿وَأْمُرْ أَهْلَكَ بِالصَّلَاةِ وَاصْطَبِرْ عَلَيْهَا لَا نَسْأَلُكَ رِزْقًا نَحْنُ نَرْزُقُكَ

وَالْعَاقِبَةُ لِلتَّقْوَى﴾

«Аҳлингизни намозга буюринг ва ўзингиз ҳам намоз (ни адо этиш)да сабрли бўлинг! Биз Сиздан ризқ сўрамаймиз, (билъакс) Сизга ризқни Биз берамиз. Чиройли оқибат такводорлар учундир»²

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (таҳажжуд) намоз(ини) ўқир, мен эса Уларнинг жойларида кўндаланг бўлиб, узаниб ётар эдим. Агар витр ўқимоқчи бўлсалар, мени уйготар эдилар»³.

¹ Имом Муслим ривояти.

² «Тоҳа»: 132

³ Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёмуллайлга ¹ ва эр-хотиннинг бу ишда бир-бирларига ёрдамчи бўлишларига тарғиб қилдилар ва бунинг йўлини ҳам кўрсатиб бердилар.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَحِمَ اللَّهُ رَجُلًا قَامَ مِنَ اللَّيْلِ فَصَلَّى وَأَيَّقُظَ امْرَأَتُهُ فَصَلَّتْ فَإِنْ أَبَتْ رَشَّ فِي وَجْهَهَا الْمَاءَ رَحِمَ اللَّهُ امْرَأَةً قَامَتْ مِنَ اللَّيْلِ فَصَلَّتْ وَأَيَّقُظَتْ زَوْجَهَا فَصَلَّى فَإِنْ أَبِي رَشَّتْ فِي وَجْهِهِ الْمَاءَ (رواه ابن ماجه)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

*«Аллоҳнинг раҳмати бўлсин бир кишига-ки, у кечаси туриб намоз ўқийди ва аёлини ҳам намозга уйғотади. Агар туришдан бош тортса, юзига сув сенади. Аллоҳнинг раҳмати бўлсин бир аёлга-ки, у кечаси туриб намоз ўқийди ва эрини ҳам намозга уйғотади. Агар туришдан бош тортса, юзига сув сенади».*²

Мусулмон киши ичининг соф ва тозалигини мукамал қилиш учун ташқи кўринишига ҳам эътибор бериши, унинг камолати ва динида маҳкамлигининг аломатидир.

¹ Тунда бедор бўлиб таҳажжуд ўқиш. Таҳажжуд аслида 3-13 ракатгача бўлган тунги нафл намоз, унинг охири бир ёки уч ракат билан витр қилинади.

² Абу Довуд, Насойй ва Ибн Можа ривояти.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қалби пок, бадани тоза ва хушбўй, мисвок¹ тутишни яхши кўрар ва бунга буюрар эдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَوْلَا أَنْ أَشَقَّ عَلَى أُمَّتِي لَأَمَرْتُهُمْ بِالسَّوَاكِ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ (رواه أحمد)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Умматимга оғир бўлмаганида эди, уларни ҳар бир намоздан аввал мисвок қилишига буюрар эдим».²

Ҳузайфа розияллоҳу анҳу дедилар:

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйқудан уйғонганларида оғизларини мисвок билан тозалар эдилар»*³.

Шурайх ибн Ҳоний Оиша розияллоҳу анҳодан: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйга кирганларида энг аввал нима қилар эдилар?»* деб сўраганида *«Мисвок ишлатар эдилар»* - деб жавоб бердилар.⁴

Абу Молик ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

¹ Мисвок - арок дарахти илдизи бўлиб, бир томонини мўйкаламга ўхшатиб учланади ва тиш тозалашда ишлатилади. Унинг таъми аччиқ ва ўзига хос бўйи бўлгани учун оғиз хидини яхши олади.

² Имом Аҳмад ривояти.

³ Имом Муслим ривояти.

⁴ Имом Муслим ривояти.

عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْعَرِيِّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
 إِذَا وَجَّحَ الرَّجُلُ بَيْتَهُ فَلْيُثْمَلِ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَ الْمَوْجِ وَخَيْرَ الْمَخْرَجِ
 بِسْمِ اللَّهِ وَجَّحْنَا وَبِسْمِ اللَّهِ خَرَجْنَا وَعَلَى اللَّهِ رَبِّنَا تَوَكَّلْنَا ثُمَّ لِيُسَلِّمْ عَلَيَّ
 أَهْلِهِ (رواه أبو داود)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

Киши уйига кираётганида: «Аллоҳумма инний асъалука хойрол мавлажи ва хойрол махрожи, бисмиллаҳи валажна, ва бисмиллаҳи харожна, ва алаллоҳи роббина таваккална» (Эй Аллоҳ, мен Сендан хайрли ҳолда кириб, хайрли ҳолда чиқишни сўрайман. Аллоҳнинг исми билан кирдик, Аллоҳнинг исми билан чиқдик ва Роббимиз Аллоҳга таваккул қилдик) десин, сўнгра аҳлига салом берсин.¹

Мусулмон дўстим, уйингизга озода ҳолатда, салом билан кириб, оила аъзоларингизни хурсанд қилинг!

Уларни маломат, дашном ва айблаш билан камситувчилардан бўлманг!

Ҳазиллари

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммат, кўшин, оила аъзолари, ваҳий, ибодат ташвишлари билан машғул бўлар, Ул зот учун булардан бошқа ташвишлар ҳам кам эмасди. Шундай бўлса-да, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақдорларнинг ҳар бирига ўз ҳаққини бердилар ва

¹ Имом Абу Довуд ривояти.

бирининг ҳисобига бошқасига зарар бермадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп машғул бўлишларига қарамай қалбларида болалар учун ҳам алоҳида бир ўрин ажратган эдилар. Ул зот катталар билан ҳазиллашганларидек, баъзида болаларни ҳам эркалатиб, улар билан ҳазиллашар, қалбларига севинч улашар эдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ إِنِّي لَا أَقُولُ إِلَّا حَقًّا قَالَ بَعْضُ أَصْحَابِهِ فَإِنَّكَ تُدَاعِبُنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ فَقَالَ إِنِّي لَا أَقُولُ إِلَّا حَقًّا (رواه أحمد)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен фақат ҳақиқатни айтаман» - дедилар.

Шунда саҳобалар: «Ё Расулulloҳ, сиз биз билан ҳазиллашасиз-ку» - деганларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, бироқ, мен фақат ҳақиқатни айтаман» - дедилар»¹.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳазилларидан бири Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилган ушбу ҳадисда келтирилади:

عَنْ أَنَسٍ قَالَ قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا ذَا الْأُذُنَيْنِ (رواه أبو داود)

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Ҳой, икки қулоқли!» - деб хитоб қилдилар»².

¹ Имом Аҳмад ривояти.

² Имом Абу Довуд ривояти.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ أَنَسٍ أَنَّ ابْنَائَنَا لِأُمِّ سُلَيْمٍ صَغِيرًا كَانَ يُقَالُ لَهُ أَبُو عُمَيْرٍ وَكَانَ لَهُ
نُعَيْرٌ وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ عَلَيْهِ ضَاحِكُهُ
فَرَأَهُ حَزِينًا فَقَالَ مَا بَالُ أَبِي عُمَيْرٍ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ مَاتَ نُعَيْرُهُ قَالَ
فَجَعَلَ يَقُولُ يَا أَبَا عُمَيْرٍ مَا فَعَلَ النُّعَيْرُ (رواه أحمد)

Умму Сулаймнинг Абу Умайр деган ўғли бор эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларникига келган пайтларида кўпинча у билан ҳазиллашар эдилар. Кунларнинг бирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларникига кирдилар, боланинг маҳзун эканини кўриб: «Абу Умайрга нима бўлди?» – дедилар.

«Эй Расулulloҳ, унинг қушчаси - нугайр ўлиб қолди»- дедилар. Шунда:

«Ё Або Умайр,

Мо фаъалан-Нугайр»

(Эй Абу Умайр, на бўлди Нугайр)» - деб хитоб қила бошладилар.¹

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам катталар билан ҳам ҳазиллашар эдилар. У ҳазиллардан бирини Анас розияллоҳу анҳу куйидагича ривоят қилади:

«Зоҳир ибн Ҳаром исмли аъробий бор эди. Ўзи кўримсиз бўлсада, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни яхши кўрар эдилар. Кунларнинг бирида

¹ Имом Аҳмад ривояти.

Зоҳир матоларини сотар экан, орқасидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келдилар-да, уни маҳкам қучоқлаб олдилар. Зоҳир қучоқлаган одамнинг ким эканини кўролмади эди. Шунинг учун ҳам: «Кўйиб юбор, кимсан?» - деди. Бошини буриб қарагач, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эканлигини билди ва орқасини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўкракларига яна ҳам ёпиштира бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлсалар: «**Бу қулни ким сотиб олади?**» - дердилар. Зоҳир: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, агар мени сотмоқчи бўлсангиз мен бу бозорда касодман!» - деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Лекин сен Аллоҳнинг ҳузурда қимматлисан!**» - дедилар.¹

Бу муомала Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нақадар олийжаноб ва олийҳиммат зот эканликларидан нишонадир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз оила аъзолари ва ён-атрофдагилар билан очик чехра бўлишларига қарамай, ул зотнинг кулишлари табассумдан ўтмас эди.

Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ مَا رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُسْتَجْمِعًا قَطُّ ضَاحِكًا حَتَّى أَرَى مِنْهُ هَوَاتِهِ إِمَّا كَانَ يَتَبَسَّمُ
(رواه البخاري)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни танглайлари кўринадиган даражада (огизларини) очиб

¹ Имом Аҳмад ривояти.

кулганларини кўрмадим. У зот фақат табассум қилар эдилар»¹.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам очик юзли ва хушмуомалали бўлишларига қарамай, Аллоҳ ҳаром қилган амаллар содир бўлган пайт юзлари (ғазабдан) ўзгарар эди.

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

عَنْ عَائِشَةَ تَقُولُ دَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَدْ سَتَرْتُ سَهْوَةً لِي بِقِرَامٍ فِيهِ تَمَائِيلٌ فَلَمَّا رَأَاهُ هَتَكَهُ وَتَلَوْنَ وَجْهَهُ وَقَالَ يَا عَائِشَةُ أَشَدُّ النَّاسِ عَذَابًا عِنْدَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ الَّذِينَ يُضَاهُونَ بِخَلْقِ اللَّهِ ... (رواه مسلم)

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам сафардан қайтдилар. Мен токчамни расмлар чизилган бир парда билан тўсиб қўйган эдим. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам уни кўрганлари он йиртиб ташладилар ва юзлари қизариб: «Ҳой Оиша, Қиёмат кун Аллоҳнинг хузурида одамларнинг энг ашаддий азобга гирифтор бўладиганлари Аллоҳнинг махлуқотларига ўхшаган нарсаларни яратмоқчи бўлган кимсалардир» - дедилар².

Бу ҳадис жонзотлар тасвирланган суратларнинг уйларда сақланишини ҳаром қилмоқда. Хусусан, деворларга суратлар осиш, уйнинг бурчакларига, токчаларга ҳайкаллар қўйиш ҳаромдир. Бундан

¹ Муттафақун алайҳ

² Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

ташқари, булар раҳмат фаришталарининг уйга киришига тўскинлик қилади.

Уйқулари

Абу Хурайра розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламдан ушбу ҳадисни ривоят қилади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا أَوَى
أَحَدُكُمْ إِلَى فِرَاشِهِ فَلْيَأْخُذْ دَاخِلَةَ إِزَارِهِ فَلْيَنْفُضْ بِهَا فِرَاشَهُ وَلْيُسِّمِ اللَّهَ
فَإِنَّهُ لَا يَعْلَمُ مَا خَلَفَهُ بَعْدَهُ عَلَى فِرَاشِهِ فَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَضْطَجِعَ
فَلْيَضْطَجِعْ عَلَى شِقِّهِ الْأَيْمَنِ وَلْيَقُلْ سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّي بِكَ وَضَعْتُ
جَنِيَّ وَبِكَ أَرْفَعُهُ إِنْ أَمْسَكَتَ نَفْسِي فَاعْفِرْ لَهَا وَإِنْ أَرْسَلْتَهَا فَاحْفَظْهَا
بِمَا تَحْفَظُ بِهِ عِبَادَكَ الصَّالِحِينَ وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا عَبْدُهُ عَنْ عُبَيْدِ
اللَّهِ بْنِ عُمَرَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَقَالَ ثُمَّ لِيَقُلْ بِاسْمِكَ رَبِّي وَضَعْتُ جَنِيَّ فَإِنْ
أَحْيَيْتَ نَفْسِي فَارْحَمَهَا

«Сизлардан бирингиз ўрнига ётса, кийимининг бир тарафи билан жойини (супурганнома) қоқсин, сўнгра: «Бисмиллаҳ» десин. Чунки у, ўзидан аввал жойига кириб олган нарсаларни билмайди. Агар ётмоқчи бўлса, ўнг тарафига ёнбошласин ва: «Субҳанака Аллоҳумма роббий, бика вазоъту жанбий ва бика арфаъуху. Ин амсакта нафсий фағфир лаҳа ва ин арсалтаҳа фаҳфазҳа-а бима-а таҳфазу биҳи ибадакас-солиҳийн» (Аллоҳим, мен Сени мушириклар сифатлаётган сифатлардан

поклайман! Роббим Сенинг ёрдаминг билан ёнбошладим ва Сенинг ёрдаминг билан (бошимни) кўтараман. Агар менинг руҳимни олсанг, уни кечир! Агар руҳимни қўйиб юборсанг, уни солиҳ бандаларингни ҳимоя қилгандек (ўз паноҳингда) сақла!) - **деб айтсин!**¹.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга қилган тавсияси қуйидагича эди:

عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا
أَخَذْتَ مَضْجَعَكَ فَتَوَضَّأْ وُضُوءَكَ لِلصَّلَاةِ ثُمَّ اضْطَجِعْ عَلَى شِقِّكَ
الْأَيْمَنِ... (رواه مسلم)

«Жойингга ётмоқчи бўлсанг намозга қилганингдек таҳорат қил ва ўнг тарафингга ёнбошла!...».²

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳар кеча ўринларига ётар эканлар, икки кафтларини бирлаштириб «Қул хуваллоҳу аҳад», «Қул аузу бироббил фалақ», «Қул аузу бироббиннас» сураларини ўқиб дам солар, кейин кафтларини бошларидан бошлаб, баданларидан қўллари етган ергача, олд тарафларига уч марта сурар эдилар»³.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу дедилар:

¹ Имом Муслим ривояти.

² Бухорий ва Муслим ривояти.

³ Имом Бухорий ривояти.

عَنْ أَنَسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا أَوَى إِلَى فِرَاشِهِ قَالَ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا وَكَفَّنَا وَأَوَانَا فَكَمْ مِمَّنْ لَا كَافِيَ لَهُ وَلَا مُؤْوِي (رواه مسلم)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларига ётар эканлар:

«Бизни едирган, ичирган, бизга кифоя қилиб, жой берган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Қанча – қанча инсонлар борки, уларнинг кифоя қилувчилари ва жой берувчилари йўқдир» - дер эдилар¹.

Абу Қатода розияллоҳу анҳу дедилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечалари ухлаганларида ўнг тарафига ёнбошлар, (таҳажжуддан сўнг) тонгга яқин ухлаганларида эса тирсақларини қўйиб, кафтларига бошларини қўяр эдилар»².

Азиз китобхон!

Аллоҳ таъолонинг бизга инъом этган неъматлари ичида пайғамбарларнинг саййиди ва охиргиси, яралмишларнинг энг афзали бўлган пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ётган тўшаклари ҳақида ўйлаб кўринг!

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Муслим ривояти.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ётган тўшак хурмо япроқлари билан тўлдирилган тери эди»¹.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

حَدَّثَنِي عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ قَالَ دَخَلْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ عَلَى حَصِيرٍ قَالَ فَجَلَسْتُ فَإِذَا عَلَيْهِ إِزَارٌ وَلَيْسَ عَلَيْهِ غَيْرُهُ وَإِذَا الْحَصِيرُ قَدْ أَثَّرَ فِي جَنْبِهِ وَإِذَا أَنَا بِقَبْضَةٍ مِنْ شَعِيرٍ نَحْوِ الصَّاعِ وَقَرِظٍ فِي نَاحِيَةِ فِي الْعُرْفَةِ وَإِذَا إِهَابٌ مُعَلَّقٌ فَأَبْتَدَرْتُ عَيْنَايَ فَقَالَ مَا يُبْبِكُكَ يَا ابْنَ الْخَطَّابِ فَقُلْتُ يَا نَبِيَّ اللَّهِ وَمَالِي لَا أَبْكِي وَهَذَا الْحَصِيرُ قَدْ أَثَّرَ فِي جَنْبِكَ وَهَذِهِ خِرَانَتُكَ لَا أَرَى فِيهَا إِلَّا مَا أَرَى وَذَلِكَ كِسْرِي وَقَيْصِرٌ فِي الثَّمَارِ وَالْأَنْهَارِ وَأَنْتَ نَبِيُّ اللَّهِ وَصَفْوَتُهُ وَهَذِهِ خِرَانَتُكَ قَالَ يَا ابْنَ الْخَطَّابِ أَلَا تَرْضَى أَنْ تَكُونَ لَنَا الْآخِرَةُ وَلَهُمُ الدُّنْيَا قُلْتُ بَلَى (رواه ابن ماجه)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирдим, ул зот бўйра устида ётибдилар. Олдиларига ўтирдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эғнида фақат изор (белдан пастга кийиладиган кийим) бор эди, холос. Бўйра ёнбошларига ботиб кетибди, уйдаги нарсаларга назар ташладим. Уйнинг бир четида уч-тўрт ховуч арпа, акас қўзоғи ва деворда осиглик мешни кўриб кўзимдан ёш қуйилди.

¹ Имом Муслим ривояти.

- «Эй Умар, нимага йиглаяпсиз?», деб сўрадилар.

- «Эй Набиюллоҳ, нега йигламас эканман, бўйра ёнбошингизга ботиб кетган бўлса, уйингизда нима борлигини ҳам кўриб турган бўлсам! Кисро ва Қайсарларни қаранг, ноз-неъматлар, анҳорлар ичра бўлишса-ю, сиз Аллоҳнинг пайғамбари, танлаганининг ҳоли бу бўлса!»

- «Эй Хаттобнинг ўгли, охират бизга ва дунё уларга бўлишига рози эмасмисиз?!» - дедилар.¹

Қиёмул лайл (Тунги ибодатлари)

Тун Мадинага бостириб келиб, уни ўз зулмати билан қамраб оларди. Бироқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ва Аллоҳнинг зикри билан кечани ёритиб, таҳажжуд намозларини ўқир, Еру Осмонлар Роббисига муножотлар қилиб, ишларнинг калити қўлида бўлган зот – Яратувчисининг амрига итоат этиб дуолар қилар эди.

﴿يَا أَيُّهَا الْمَرْمَلُ ﴿ فُجْمَ اللَّيْلِ إِلَّا قَلِيلًا ﴿ نِصْفَهُ أَوْ انْقُصْ مِنْهُ

قَلِيلًا ﴿ أَوْ زِدْ عَلَيْهِ وَرَتِّلِ الْقُرْآنَ تَرْتِيلًا ﴿﴾

«Эй (кийимларига) ўралиб олган зот, кечаси (бедор бўлиб намозда) тулинг! Фақат озгина – у (кеча)нинг ярмида (ухлаб ором олинг) ёки (уйқуни кечанинг) ярмидан ҳам бир оз камайтиринг, ёхуд унга (бир оз) зиёда қилинг (яъни кечанинг ярмидан кўпроғида ухлаб, истироҳат қилинг) ва Қуръонни

¹ Имом Ибн Можа ривояти.

тартил билан (яъни дона – дона қилиб) тиловат қилинг!»¹.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي حَتَّى تَوَرَّمَتْ قَدَمَاهُ فَقِيلَ لَهُ إِنَّ اللَّهَ قَدْ غَفَرَ لَكَ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ قَالَ أَفَلَا أَكُونُ عَبْدًا شَكُورًا (رواه ابن ماجه)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (кечалари ўринларидан) туриб намоз ўқирдилар, ҳатто оёқлари шишиб кетарди. Ул зотга: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ Сизнинг аввалги ва кейинги гуноҳларингизни кечирган бўлса ҳам шундай қиласизми?!» дейилса: «Миннатдор банда бўлмайинми?!» — деб жавоб берар эдилар»².

Асвад ибн Зайд айтди: «Мен Оиша розияллоҳу анҳодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намозлари ҳақида сўрадим. Оиша розияллоҳу анҳо шундай дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечанинг аввалида ухлар, кейин турардилар. Саҳар вақти бўлганда витр ўқирдилар, кейин жойларига келардилар. Агар аёлларига эҳтиёжлари бўлса, уларга яқинлик қилар, азонни эшитсалар ўрниларидан шошилиб турар, жунуб бўлсалар гусл қилиб, бўлмаса таҳорат олиб, кейин намозга чиқар эдилар»³.

¹ «Муззаммил»: 1- 4.

² Имом Ибн Можа ривояти.

³ Имом Насойи ва Аҳмад ривоятлари.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тунги намозлари ўта хайратомуз-ки, у бизни унинг узунлиги ҳақида фикрлашимиз ҳамда уни ўзимизга намуна қилиб олишимизга ундайди!

Абу Абдуллоҳ Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анху дедилар:

«Мен бир кеча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқидим. У зот «Бақара» сурасини бошладилар. Мен: «Юзинчи оятдан сўнгра рукуъ қиладилар», деб ўйладим. Бироқ, ундан ўтиб кетдилар. Мен: «Бақара сурасини бир ракатда ўқир эканлар-да?», деб ўйладим. Бироқ, давом этиб, Оли Имрон сурасини бошладилар, уни ҳам ўқиб тугатдилар. Мен: «Энди рукуъ қилсалар керак», деб ўйладим. Кейин Нисо сурасини бошладилар ва ўқиб тугатдилар. Ул зот ҳар бир ҳарфни дона-дона талаффуз қилар, тасбеҳ зикр қилинган оятдан ўтсалар тасбеҳ айтар, сўраш бор жойда сўрар, паноҳ сўраш бош жойда паноҳ сўрар эдилар. Кейин рукуъ қилдилар ва: «Субҳана роббиял азийм» (Буюк роббимни муширлар сифатлаётган ёмон-ноқис сифатлардан поклайман)» дея бошладилар. Рукуъларининг узунлиги қиёмларига яқин миқдорда бўлди. Кейин: «Самияллоҳу лиман ҳамидаҳ. Роббана лакал-ҳамд» (Аллоҳ ўзига ҳамд айтганларни эшитади. Роббимиз, Сенга ҳамдлар бўлсин) дедилар. Кейин рукуъларига яқин миқдорда, узоқ туриб қолдилар. Кейин сажда қилдилар ва: «Субҳана роббиял аъло» (Олий Роббимни муширлар сифатлаётган ёмон

сифатлардан поклайман) дедилар. Саждалари ҳам (узунликда) қиёмларига яқин эди»¹.

Бамдоддан сўнг

Мадина кечасининг сокинлиги тугаб, тонг ёриша бошлаган пайтда, масжидда бамдод намози жамоат билан ўқилгандан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуёш чикқунига қадар Аллоҳнинг зикри билан машғул бўлар эдилар. Кейин икки рақъат намоз ўқир эдилар.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу дедилар:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бамдод намозини ўқиганларидан сўнг намозгоҳларида қуёш чикқунига қадар ўтирар эдилар»².

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу буюк суннатни қилишга рағбатлантириб, ундаги ажру-савобларни эслатдилар.

Анас розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ صَلَّى الْغَدَاةَ فِي جَمَاعَةٍ ثُمَّ قَعَدَ يَذْكُرُ اللَّهَ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ ثُمَّ صَلَّى رَكَعَتَيْنِ كَانَتْ لَهُ كَأَجْرِ حَجَّةٍ وَعُمْرَةٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَامَّةٍ تَامَّةٍ تَامَّةٍ (رواه الترمذي)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бамдодни жамоат билан ўқиган, кейин қуёш

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Муслим ривояти.

чиққунига қадар Аллоҳни ёд қилиб ўтирган, сўнгра икки ракъат намоз ўқиган одамга бир ҳажж ва бир умра савоби тўла, тўла, тўла қилиб берилади» - дедилар¹.

Чошгоҳ намози

Кун яримлаб, кўёшнинг ҳарорати кўтарилди. Бу чошгоҳ вақтидир. Бу - ҳаракат ва эҳтиёжларни қондириш маҳалидир. Пайғамбарлик масъулияти, вакиллар билан учрашиш, саҳобаларга таълим бериш ва оила аъзоларининг ҳақларини адо этиш каби оғир юкларни кўтаришларига қарамай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таъолога ибодат қилар эдилар.

Муоз розияллоҳу анҳу Оиша розияллоҳу анҳодан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чошгоҳ намозини ўқирмидилар?» - деб сўраганида: - «Ҳа, тўрт ракъат ва ундан зиёда Аллоҳ хоҳлаганича ўқир эдилар» - деб жавоб бердилар².

Чошгоҳ намозини ўқишни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам васият қилган эдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу дедилар: *«Халилим соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар ойда уч кун рўза тутушни, (кунда) икки ракъат чошгоҳ намозини ҳамда ухлашдан аввал витр намозини ўқишни менга васият қилдилар»³.*

¹ Имом Термизий ривояти.

² Имом Муслим ривояти.

³ Бухорий ва Муслим ривояти.

Нафл намозларини уйда ўқишлари

Ушбу хонадон Иймон билан обод, зикру ибодат билан лиммо-лим эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар биримизнинг хонадонимиз ҳам шундай бўлиши кераклигини таъкидлаб, ибн Умар розияллоҳу анху ривоят қилган қуйидаги васиятни қилдилар:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ اجْعَلُوا فِي بُيُوتِكُمْ مِنْ صَلَاتِكُمْ وَلَا تَتَّخِذُوهَا قُبُورًا (رواه البخاري)

«Уйларингизда ҳам намоз ўқинглар ва уларни қабристон қилиб олманглар!»¹

Ибн Қаййим раҳимаҳуллоҳ ёзадилар:

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча суннат намозларини ва бирор сабабга боғлиқ бўлмаган нафл намозларининг барчасини, хусусан, шом намозининг суннатини уйларида ўқир эдилар. Ул зот суннат намозларни масжидда ўқиганлари ривоят қилинмаган».*²

Йиғилари

Ҳамма ҳам йиғлайди! Бироқ, йиғи қандай ва ким учун бўлиши керак!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хоҳласалар дунёни кўлларига олишлари мумкин

¹ Имом Бухорий ривояти.

² «Зодул маъод», 1 : 312

бўлган, жаннат олдида ва ўзлари жаннатнинг энг олий мақомида бўлишларига қарамай йиғлар эдилар!

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам йиғлар эдилар! Бироқ, бу йиғи обидлар йиғиси эди!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда Роббига муножот қилар ёки Қуръон тиловатини тинглар экан, йиғлар эдилар! Бу йиғи:

- Қалбнинг юмшоқлиги;
- Юракнинг софлиги;
- Аллоҳнинг буюклигини билиш;
- Аллоҳ таъолодан қўрқиш йиғиси эди!

Муторриф ибн Абдуллоҳ отасидан шу ривоятни қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқиётганларини кўрдим. Йиғлаганлари сабабли ичларидан қозоннинг қайнаши сингари товуш келар эди»¹.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
أَقْرَأُ عَلَيْكَ الْقُرْآنَ فُلْتُ أَقْرَأُ عَلَيْكَ وَعَلَيْكَ أَنْزَلَ قَالَ إِنِّي أُحِبُّ أَنْ أَسْمَعَهُ
مِنْ غَيْرِي (رواه البخاري)

¹ Имом Аҳмад ривояти.

وفي رواية: فَقَرَأْتُ سُورَةَ النَّسَاءِ حَتَّى أَتَيْتُ إِلَى هَذِهِ الْآيَةِ ﴿فَكَيْفَ إِذَا جِئْنَا مِنْ كُلِّ أُمَّةٍ بِشَهِيدٍ وَجِئْنَا بِكَ عَلَى هَؤُلَاءِ شَهِيدًا﴾ قَالَ حَسْبُكَ الْآنَ فَالتَّفْتُ إِلَيْهِ فَإِذَا عَيْنَاهُ تَدْرِفَانِ

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга:

-«Менга (Қуръон) ўқиб беринг!»- дедилар. Мен:

-«Ё Расулуллоҳ, Қуръон Сизга нозил бўлган бўлсаю, мен Сизга тиловат қилиб бераманми?» - дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

-«Мен Қуръонни бошқалардан тинглашни яхши кўраман» - дедилар.

Мен Нисо сурасини ўқиб, «Ҳар бир умматдан (ўз пайғамбарини) гувоҳ сифатида келтирганимизда ва Сизни (эй Муҳаммад,) уларга гувоҳ қилиб келтирганимизда (уларнинг холи) не кечур?!»¹ оятига етганимда тўхтатдилар. Қарасам, кўзлари ёш қуяётган экан»².

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сочлари ва соқолларидаги оқ мўйлар ҳақида фикр юритиб кўринг. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу оқ тукларнинг сабабини муборак тиллари билан қандай баён қилганига бир қулоқ тутинг.

¹ «Нисо»: 41.

² Имом Бухорий ривояти.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ قَالَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَدْ
 شَبَّتَ قَالَ شَيْبَتْنِي هُوْدٌ وَالْوَأَقِعَةُ وَالْمُرْسَلَاتُ وَعَمَّ يَتَسَاءَلُونَ وَإِذَا
 الشَّمْسُ كُوِّرَتْ (رواه الترمذي)

Абу Бакр розияллоҳу анҳу:

- «*Ё Расулulloҳ, соч-соқолларингизга оқ тушибди-
 ку?!*» - деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва
 саллам:

-«*Менинг соч-соқолимни «Худ», «Воқеъа», «Вал-
 мурсалат», «Амма ятасаалун» ва «Изааш-шамсу
 куввират» суралари оқартириб юборди*» - дедилар¹.

Тавозеълари

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам
 одамларнинг энг гўзал хулқлиси бўлиб, Оиша
 розияллоҳу анҳо айтганларидек: «*Хулқлари Қуръон
 эди*»².

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят
 қилинади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّمَا بُعِثْتُ
 لِأَتُمِّمَ صَالِحَ الْأَخْلَاقِ (رواه أحمد)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

¹ Имом Термизий ривояти.

² Имом Аҳмад ривояти.

«Мен яхши ахлоқларни мукамал қилиш учун юборилдим» - дедилар¹.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ سَمِعَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ عَلَى الْمَنْبَرِ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ لَا تُظْرُونِي كَمَا أَطْرَتِ النَّصَارَى ابْنَ مَرْيَمَ فَإِنَّمَا أَنَا عَبْدُهُ فَفُؤَلُوا عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ (رواه البخاري)

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

Мени насронийлар Ийсо ибн Марямни ҳаддан зиёд мадҳ этганларидек мадҳ этманглар. Мен (Аллоҳнинг) бандасиман, холос. «Аллоҳнинг қули ва элчиси» деб айтинглар - дедилар².

Анас розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ أَنَسٍ أَنَّ رَجُلًا قَالَ يَا مُحَمَّدُ يَا خَيْرَنَا وَابْنَ خَيْرِنَا وَيَا سَيِّدَنَا وَابْنَ سَيِّدِنَا فَقَالَ قُولُوا بِقَوْلِكُمْ وَلَا يَسْتَحِرُّكُمْ الشَّيْطَانُ أَوْ الشَّيَاطِينُ قَالَ إِحْدَى الْكَلِمَتَيْنِ أَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ وَرَسُولُهُ أَنَا مُحَمَّدُ عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ مَا أَحَبُّ أَنْ تَرْفَعُونِي فَوْقَ مَنْزِلَتِي الَّتِي أَنْزَلَنِي اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ (رواه أحمد)

Бир киши: «Эй Муҳаммад! Эй энг яхшимиз! Эй энг яхшимизнинг ўғли! Эй саййидимиз! Эй саййидимизнинг ўғли!» - деб хитоб қилди.

Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

¹ Имом Аҳмад ривояти.

² Бухорий ва Муслим ривояти.

«Эй одамлар, сизлар менга тўзри гапираверинглар, шайтон сизларни адаштирмасин! Мен - Аллоҳнинг бандаси ва расули бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳман. Сизлар мени Аллоҳ қўйган мақомдан юқори мақомга қўйишингизни хоҳламайман» - дедилар¹.

Баъзи одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳаддан зиёд улуғлайдилар ва у зот - ғайб ишларини билади, зарар ва фойда етказди, муҳтожларнинг эҳтиёжини билади, касалларга шифо беради,- деб эътиқод қилишади.

Аллоҳ таъоло бу тушунчани бутунлай рад этиб шундай деди:

﴿قُلْ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي نَفْعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ وَلَوْ كُنْتُ
أَعْلَمُ الْغَيْبِ لَاسْتَكْتَرْتُ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِيَ السُّوءُ﴾

«Айтинг: «Мен ўзимга ҳам бирон фойда ёки зарар етказишга қодир эмасман. Магар Аллоҳ хоҳлаган ишгина бўлур. Агар ғайбни билганимда эди, яхши амалларни қўпайтирган ва менга бирон ёмонлик-зиён етмаган бўлур эди»².

Барча оламлар ичида энг афзал бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдек зот Раббилари олдида ўзларини ғоят хокисор тутар эдилар.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу дедилар:

¹ Имом Аҳмад ривояти.

² «Аъроф»: 188

عَنْ أَنَسٍ قَالَ مَا كَانَ شَخْصٌ أَحَبَّ إِلَيْهِمْ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانُوا إِذَا رَأَوْهُ لَمْ يَتَّخِذُوا لَهُمْ مَقَامًا يَكْفُرُونَ بِمَا يَعْلَمُونَ مِنْ كَرَاهِيَّتِهِ لِذَلِكَ
(رواه أحمد)

«Саҳобалар учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра севимлироқ бошиқа одам йўқ эди. Шундай бўлсада, Ул зотни кўрганларида ўринларидан туришмас, зеро Ул зот буни ёқтирмасликларини билар эдилар»¹.

Сиз ишлари кўп бўлишига қарамай бир бечора аёлга ўта камтарлик ва гўзал хулқ билан вақт ажратган Ислom умматининг пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир назар ташланг!

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ أَنَسٍ قَالَ جَاءَتْ امْرَأَةٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ لِي إِلَيْكَ حَاجَةً فَقَالَ لَهَا يَا أُمَّ فُلَانٍ اجْلِسِي فِي أَيِّ نَوَاحِي السُّكَّكِ شِئْتِ حَتَّى أَجْلِسَ إِلَيْكَ... (رواه أبو داود)

«Бир аёл Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига келиб: «Сизга эҳтиёжим бор» - деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

-«Мадинанинг кўчаларидан хоҳлаганингда ўтир, мен сен билан бирга ўтир(иб эҳтиёжингга қулоқ тут)аман» - дедилар»².

¹ Имом Аҳмад ривояти.

² Имом Абу Довуд ривояти.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғоят камтарин инсон эдилар.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ
لَوْ دُعِيْتُ إِلَى ذِرَاعٍ أَوْ كُرَاعٍ لَجَبْتُ وَلَوْ أُهْدِيَ إِلَيَّ ذِرَاعٌ أَوْ كُرَاعٌ لَقَبِلْتُ
(رواه البخاري)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Агар (қўйнинг) қўли ёки почаси учун чақирилсам-да ижобат қиламан. Агар менга (қўйнинг) қўли ёки почаси совға қилинса-да, қабул қиламан».¹ (Яъни, кадрли нарсани қабул қилиб, бекадр нарсдан юз ўгирмайман.)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари ҳар бир асрда мутакаббирлар учун, уларнинг кибру ҳаволари ва гердайишлари олдида тўсиқ ва қайтарувчи бўлиб қолади!

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу ҳадисни ривоят қилади:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ
مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ مِنْ كِبْرٍ (رواه مسلم)

¹ Имом Бухорий ривояти.

«Қалбида заррача кибри бўлган одам жаннатга кирмайди».¹

Кибр - гарчи заррача бўлса ҳам - жаҳаннамга олиб борадиган йўлдир, Аллоҳ сақласин. Қаранг, Аллоҳ таъоло гердаиб юрган мутакаббирни қандай жазолади, унга ғазаб тушириб, қандай азоблар билан азоблади!

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ بَيْنَمَا رَجُلٌ يَمْشِي وَعَلَيْهِ حُلَّةٌ مَرْجَلًا جُمْتَهُ تُعْجِبُهُ نَفْسُهُ إِذْ خُسِفَ بِهِ فَهُوَ يَتَجَلَّجَلُ فِي الْأَرْضِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَقَالَ حَجَّاجٌ إِذْ خَسَفَ اللَّهُ بِهِ (رواه أحمد)

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Бир одам чиройли кийим кийиб, сочларини тараб, гердаиб юриб кетаётган эди, баногоҳ, Аллоҳ уни Ерга юттирди. У Қиёмат кунигача Ернинг тубига қараб тушиб бораверади».²

Хизматкорларига муносабатлари

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бечора ва заиф хизматкорни қилган иши ёки заифлигига қараб эмас, балки дини ва тақвосига қараб ўзига лойиқ мақомга қўяр эдилар.

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Аҳмад ривояти.

Абу Зар розияллоҳу анҳуга хитобан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хизматкор ва мардикорлар ҳақида шундай дедилар:

إِخْوَانُكُمْ خَوَلُكُمْ جَعَلَهُمُ اللَّهُ تَحْتَ أَيْدِيكُمْ فَمَنْ كَانَ أَخُوهُ تَحْتَ يَدَيْهِ فَلْيُطْعِمْهُ مِمَّا يَأْكُلُ وَلْيُلْبِسْهُ مِمَّا يَلْبَسُ وَلَا تَكْلُفُوهُمْ مَا يَغْلِبُهُمْ فَإِنْ كَلَّفْتُمُوهُمْ فَأَعِينُوهُمْ عَلَيْهِ (رواه مسلم)

«Улар сизларнинг биродарларингиздир. Аллоҳ таъоло уларни сизларнинг қўл остингизда қилиб қўйди. Уларга ўзингиз еган нарсаларингиздан едирингиз, кийган нарсаларингиздан кийдирингиз ва оғир бўлган нарсаларни уларга юклагангиз! Агар оғир нарсаларни юклагангиз ёрдам этингиз!»¹

Сиз биронта хизматкорнинг ўз хожасига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хизматкори айтгани каби мақтовни айтганини эшитганмисиз?!

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтадилар:

عَنْ أَنَسٍ قَالَ خَدَمْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَشْرَ سِنِينَ فَمَا قَالَ لِي أَفَّ قَطُّ وَمَا قَالَ لِشَيْءٍ صَنَعْتُهُ لَمْ صَنَعْتَهُ وَلَا لِشَيْءٍ تَرَكْتُهُ لَمْ تَرَكْتُهُ (رواه الترمذي)

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўн йил хизмат қилдим, ул Зот менга бирон марта «Уф» демадилар, биронта қилган ишим учун: «Нега бундай

¹ Имом Муслим ривояти.

қилдинг!»-, қилмаган ишим учун: «Нега қилмадинг!»-демадилар».¹

У зот хизматларида ўтган тўла ўн йил давомида ходимларини жеркимадилар, балки, уни тақдирлаб, қалбига таскин бериб, унинг ва оиласининг эҳтиёжларини қондирар, уларнинг ҳаққига хайрли дуолар қилардилар!!

Анас розияллоҳу анҳу айтадилар:

عَنْ أَنَسٍ.. فَقَالَتْ أُمِّي يَا رَسُولَ اللَّهِ خُودِيْكُمْ ادْعُ اللَّهَ لَهُ قَالَ
فَدَعَا لِي بِكُلِّ خَيْرٍ وَكَانَ فِي آخِرِ مَا دَعَا لِي بِهِ أَنْ قَالَ اللَّهُمَّ أَكْثِرْ مَالَهُ
وَوَلَدَهُ وَبَارِكْ لَهُ فِيهِ (رواه مسلم)

Онам: «Ё Расулуллоҳ, хизматкорингиз ҳақиқага дуо қилинг!» - деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мен учун барча яхшиликларни сўраб дуо қилдилар ва дуоларининг охирида: «Аллоҳим, унинг мол-давлату фарзандларини кўпайтир ва уларда барака ато эт!» - дедилар».²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шижоатли бўлишларига қарамай, ҳеч кимни ноҳақ хўрламаганлар ва урмаганлар. Қўл остидаги аёллари ва хизматкорларига ҳеч қачон дағал муомала қилмаганлар!

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

¹ Имом Термизий ривояти.

² Имом Муслим ривояти.

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ مَا ضَرَبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْئًا قَطُّ بِيَدِهِ وَلَا امْرَأَةً وَلَا خَادِمًا إِلَّا أَنْ يُجَاهِدَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ (رواه مسلم)

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан бошқа пайт қўллари билан бирон нарсани - на бир хизматкорни ва на бир аёлни урмадилар».*¹

Яна дедилар:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ مَا خَيْرَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ أَمْرَيْنِ قَطُّ إِلَّا أَخَذَ أَيْسَرَهُمَا مَا لَمْ يَكُنْ إِثْمًا فَإِنْ كَانَ إِثْمًا كَانَ أَبْعَدَ النَّاسِ مِنْهُ وَمَا انْتَقَمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِنَفْسِهِ فِي شَيْءٍ قَطُّ إِلَّا أَنْ تُنْتَهَكَ حُرْمَةُ اللَّهِ فَيَنْتَقِمَ بِهَا لِلَّهِ (رواه البخاري)

*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга икки ишни танлаш ихтиёри берилса, модомики гуноҳ бўлмас экан, қулайини танлар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари учун ҳеч қачон ўч олмаганлар. Бироқ, Аллоҳнинг ҳурматлари поймол қилинса, (У ҳаром қилган ишлар қилинса) Аллоҳ учун газаб қилар эдилар.*²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мулойим ва оғир-босиқ бўлишга даъват этар эдилар.

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ.. فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا عَائِشَةُ إِنَّ اللَّهَ رَفِيقٌ يُحِبُّ الرَّفْقَ فِي الْأَمْرِ كُلِّهِ .. (متفق عليه)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Эй Оиша, Аллоҳ ҳалимдир ва ҳар бир ишда ҳалимликни яхши кўради» - дедилар»¹.

Совғага муносабатлари

Қалбларни бир бирига яқинлаштирадиган ва улардаги гина-кудуратларни эритиб юборадиган нарсалардан бири - совғадир!!

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقْبَلُ الْهَدِيَّةَ وَيُثِيبُ عَلَيْهَا (رواه البخاري)

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам совғаларни қабул қилар ва эвазига муносиб мукофотлар эдилар»².

Зеро, совға бериш ва совға учун миннатдорчилик ихзор этиш қалб саховати ва юрак тозалигининг нишонасидир.

Меҳмондўстликлари

Саховат - набийлар ва расулларнинг ахлоқидан бири бўлиб, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва

¹ Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

саллам бу борада ҳаммадан пешқадам эдилар. Ахир қуйидаги сўзларни айтган у зот эмасми?!

Абу Шурайх ал-Каъбий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

عَنْ أَبِي شُرَيْحِ الْكَعْبِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ جَائِزَتُهُ يَوْمٌ وَلَيْلَةٌ وَالضِّيَافَةُ ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ فَمَا بَعْدَ ذَلِكَ فَهُوَ صَدَقَةٌ وَلَا يَجِلُّ لَهُ أَنْ يَثْوِيَ عِنْدَهُ حَتَّى يُجْرِحَهُ (رواه البخاري)

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар:

«Ким Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини сийласин. Меҳмонни сийлаш ҳаққи бир кеча-ю, бир кундуздир. Меҳмондорчилик уч кундир. Ундан кейингилари садақадир. Мезбонга оғирлак бўлгунича қадар қолиш меҳмон учун ҳалол эмасдир»¹

Ислом олами, ҳатто, бутун дунё Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам каби олий ахлоқли ва олийжаноб бирор шахсни кўрмаган.

Ҳурматли китобхон!

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг олийҳиммат ва олийжаноб эканларига далил бўлувчи ҳолатлардан бирини қуйида келтирамиз:

Саҳл ибн Саъд розияллоху анҳу дедилар:

¹ Имом Бухорий ривояти.

عَنْ سَهْلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ امْرَأَةً جَاءَتْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِبُرْدَةٍ مَنْسُوجَةٍ فِيهَا حَاشِيَتُهَا أَتَدْرُونَ مَا الْبُرْدَةُ قَالُوا الشَّمْلَةُ قَالَ نَعَمْ قَالَتْ نَسَجْتُهَا بِيَدِي فَجِئْتُ لِأَكْسُوَكَهَا فَأَخَذَهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُحْتَاجًا إِلَيْهَا فَخَرَجَ إِلَيْنَا وَإِنَّهَا إِزَارُهُ فَحَسَنَتَهَا فَلَانُ فَقَالَ اكْسِينِيهَا مَا أَحْسَنَتَهَا قَالَ الْقَوْمُ مَا أَحْسَنَتْ لِسَهْلِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُحْتَاجًا إِلَيْهَا ثُمَّ سَأَلْتُهُ وَعَلِمْتُ أَنَّهُ لَا يَرُدُّ قَالَ إِيَّيْ وَاللَّهِ مَا سَأَلْتُهُ لِأَلْبَسَهُ إِنَّمَا سَأَلْتُهُ لِتَكُونَ كَفَنِي قَالَ سَهْلٌ فَكَانَتْ كَفَنَهُ (رواه البخاري)

«Бир аёл Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир кийимлик мато келтириб: «Буни сизга кийдираман деб ўз қўлларим билан тўқидим» - деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга муҳтож бўлган ҳолларида олдилар. Сўнг бизнинг олдимизга уни изор шаклида ўраб чиқдилар. Бир одам: «Бу жуда ҳам чиройли экан. Уни менга беринг» - деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Хўп» - дедилар ва бир оз ўтиргач уйига қайтдилар, кийимни тахлаб, уни халиги одамга жўнатдилар. Саҳобалар у одамга: «Яхши иш қилмадинг! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам муҳтож бўлганлари учун кийган эдилар, сен бўлсанг уни сўраб ўтирибсан, биласанки ул зот сўраган одамнинг қўлини бўш қайтармайдилар» - дедилар. У: «Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, мен уни кийиш учун эмас, кафанлик қилиш учун сўрадим» - деди. Саҳл айтади: Ҳақиқатан ҳам, у кийим ўша одамга кафан қилинди».¹

¹ Имом Бухорий ривояти.

Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الزُّبَيْرِ وَسَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ أَنَّ حَكِيمَ بْنَ حِزَامٍ رَضِيَ
اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَعْطَانِي ثُمَّ سَأَلْتُهُ
فَأَعْطَانِي ثُمَّ سَأَلْتُهُ فَأَعْطَانِي ثُمَّ قَالَ يَا حَكِيمُ إِنَّ هَذَا الْمَالَ خَضِرَةٌ حُلْوَةٌ
فَمَنْ أَخَذَهُ بِسَخَاوَةٍ نَفْسٍ بُورِكَ لَهُ فِيهِ وَمَنْ أَخَذَهُ بِإِشْرَافٍ نَفْسٍ لَمْ
يُبَارَكْ لَهُ فِيهِ كَالَّذِي يَأْكُلُ وَلَا يَشْبَعُ الْيَدُ الْعُلْيَا خَيْرٌ مِنَ الْيَدِ السُّفْلَى ...
(متفق عليه)

Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадим, бердилар. Яна сўрадим, яна бердилар. Яна сўрадим, яна бердилар, кейин: - «Эй Ҳаким, бу мол яшил ва шириндир! Уни қалб саховати билан олган одамга баракали қилинади. Нафс очкўзлиги билан олган кишига эса баракали қилинмайди. Унинг мисоли еб тўймайдиган одамга ўхшайди. Юқори (яъни берувчи) қўл қуйи (яъни олувчи) қўлдан яхшироқдир» - дедилар.¹

Жобир розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ ابْنِ الْمُنْكَدِرِ قَالَ سَمِعْتُ جَابِرًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ مَا سُئِلَ
النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ شَيْءٍ قَطُّ فَقَالَ لَا (رواه البخاري)

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бирон нарса сўралса, ҳеч қачон «Йўқ» деб айтмадилар»²

¹ Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

² Имом Бухорий ривояти.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўлларидаги мисли кўрилмаган бу саховат ва олийжаноблик билан бирга, ул зотнинг қалбларидаги самимийлик, содиқ муҳаббат ва чиройли муомалаларининг ҳам мисли йўқ эди. Ул зотнинг бирга ўтирган ҳар бир кишига табассум қилиш ва яқин тутиш одатлари бор эди. Бу билан ҳар ким ўзини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга энг сеvimли кишиман деб ўйлар эди.

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ جَرِيرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ مَا حَجَبَنِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
مُنْذُ أَسْلَمْتُ وَلَا رَأَيْتُ إِلَّا تَبَسَّمَ فِي وَجْهِهِ (رواه البخاري)

*«Исломни қабул қилганимдан бери Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени (ҳузурларига киришдан) ман қилмадилар ва қачон мени кўрсалар, юзимга таббасум билан боқар эдилар».*¹

Саҳобаларнинг ул зотга берган таърифларида ҳаммамиз учун кифоя ва ибрат бордир.

Абдуллоҳ ибн Хорис розияллоҳу анҳу айтадилар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ جَزْءٍ قَالَ مَا رَأَيْتُ أَحَدًا أَكْثَرَ تَبَسُّمًا
مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ (رواه الترمذي)

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра сертабассум бошқа бировни кўрмадим».*²

Абу Зар розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

¹ Имом Бухорий ривояти.

² Имом Термизий ривояти.

عَنْ أَبِي دَرٍّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَبَسُّمُكَ فِي وَجْهِ أَحَبِّكَ لَكَ صَدَقَةٌ (رواه الترمذي)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биродарингиз юзига қилган табассумингиз - садақадир» - деганлар.¹

Хизматкорлари Анас розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдаги сифатларни шундай таърифладики, у сифатлар бир одамда эмас, ҳатто бир неча одамда ҳам жам бўлмайди:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўта илтифотли зот эдилар. Эҳтиёжини сўраган ҳар бир одамга қулоқ солар, у одам бурилиб кетмагунича ўгирилмас эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини олмоқчи бўлган ҳар кимсага қўлларини узатар, қўл берган одам қўлини бўшатмагунича қўлларини тортиб олмас эдилар».²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эҳсонли ва хушмуомалали бўлишларига қарамай, гуноҳ ишларни кўриб қолсалар қайтарар ва унинг бўлишига рози бўлмас эдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

¹ Имом Термизий ривояти.

² Абу Нуъайм «Далоил» китобида нақл қилди

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى خَاتَمًا مِنْ ذَهَبٍ فِي يَدِ رَجُلٍ فَنَزَعَهُ فَطَرَحَهُ وَقَالَ يَعْمِدُ أَحَدُكُمْ إِلَى جَمْرَةٍ مِنْ نَارٍ فَيَجْعَلُهَا فِي يَدِهِ... (رواه مسلم)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг қўлида тилло узукни кўриб қолдилар, уни (унинг бармоқларидан) чиқариб отиб юбордилар ва:

- «Сизлардан бирингиз жаҳаннам чўғини олиб, уни бармогига тақиб оладими-я?!» - дедилар».¹

Болаларга нисбатан меҳр-шафқатлари

Тошбағир инсонлар меҳрибонликни билмайди. Улар қаттиқ тошга ўхшаб, на бериш ва на олишга кодир. Улар энг оддий инсоний туйғу ва хиссиётлардан ҳам маҳрумдир.

Аммо пайғамбарлар Аллоҳ таъоло тарафидан юмшоқ дил ва меҳрибон қалб берилган зотлар бўлиб, қалбларини меҳр-шафқат туйғулари ҳаракатлантиради!

Анас розияллоҳу анҳу дедилар: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўғиллари Иброҳимни қўлларига олиб ўндилар ва ҳидладилар».²*

Бу меҳр нафақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг яқинларига, балки, барча мусулмонларнинг фарзандлари учун умумий эди.

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

Жаъфар розияллоҳу анҳунинг аёли Асмо бинти Умайс шундай дедилар:

«Жаъфар ва дўстлари шаҳид бўлган куни менинг олдимга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кирдилар ва Жаъфарнинг болаларини чақирдилар. Мен ул зотнинг (уларни бағирларига босиб), ҳидлаётганини ва кўзларидан ёш қуйишаётганини кўриб:

- «Жаъфар ҳақида сизга бирор хабар келдими?» - деб сўрадим.

- «**Ҳа, у бугун ҳалок бўлди**» - дедилар.

Мен йиғлай бошладим....

...Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайтиб кетдилар ва аҳлига: - **«Жаъфар хонадонига таом тайёрланглар! Чунки, улар бугун ўзларига қарай олмайдиган ҳолдалар»** - дедилар»¹

Фарзандларининг ўлими сабабли кўзларига ёш келганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу:

- «Ё Расулуллоҳ, бу нимаси?» деганида, ул зот:

قَالَ : هَذِهِ رَحْمَةٌ وَضَعَهَا اللَّهُ فِي قُلُوبِ مَنْ شَاءَ مِنْ عِبَادِهِ وَلَا

يَرْحَمُ اللَّهُ مِنْ عِبَادِهِ إِلَّا الرَّحْمَاءَ (رواه البخاري)

- **«Бу Аллоҳ таъоло бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишисининг қалбига ўрнатган раҳм-шафқатдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ бандалари ичидан фақат раҳмдил кишиларгагина раҳм қилур»** - дедилар.²

¹ Ибн Саъд, (Имом Термизий ва Ибн Можа) ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилдилар:

...Ўғиллари Иброҳим жон таслим қиларкан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўзларидан ёш қуйила бошлади. Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу:

- «*Ё Расулуллоҳ, Сиз-а?!*» - деган эди:

- «*Эй Авфнинг ўгли, бу - раҳматдир*» - деб жавоб бердилар ва шуни қўшимча қилдилар:

- «*Кўз ёш тўқади, қалб қайғуради, биз фақат Раббимизни рози қиладиган сўзларни айтамыз. Эй Иброҳим, Биз сендан ажралганимиз учун қайғудамиз*».¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олий хулқларидан намуна олиш ва у зотнинг изларидан юришимиз лозим бўлгани ҳолда, кўпларимиз болаларга меҳр-шафқат кўрсатишни унутганмиз. Биздаги жаҳолат, калтафаҳмлиқ ва кибр шу даражага етиб бордики, болаларнинг қалбларини очадиган калитни йўқотдик! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг калити эса қўллари ва тилларида эди. У зот болаларни севар, қадрлар ва уларни баланд мартабага қўяр эдилар.

Анас розияллоҳу анҳу болалар олдидан ўтар экан, уларга салом берар ва: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилар эдилар*» - дер эди².

Табиийки, болаларнинг ўзига хос қийинчиликлари ва тўполонлари бўлар, бироқ Расулуллоҳ соллаллоҳу

¹ Имом Бухорий ривояти.

² Бухорий ва Муслим ривояти.

алайҳи ва саллам уларни жеркимас, сўкмас ва уларга дашном бермас, балки, уларга хотиржамлик ва мулойимлик билан муомала қилар эдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُؤْتِي بِالصَّبَّيَانِ فَيَدْعُو لَهُمْ فَأُتِيَ بِصَبِيٍّ فَبَالَ عَلَى نَوْبِهِ فَدَعَا بِمَاءٍ فَأَتَبَعَهُ إِيَّاهُ وَمَا يَغْسِلُهُ (رواه البخاري)

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига болаларни олиб келинар, ул зот улар ҳаққига дуо қилар эдилар. Бир болани олиб келганларида у Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг кийимларини «хўл» қилиб қўйди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам сув олиб келишни буюрдилар ва у сувни «хўллик» устидан қўйдилар. Бироқ, «хўллик»ни (сиқиб) ювмадилар¹».

Хурматли китобхон!

Сиз пайғамбарнинг уйда ўтирар экансиз, болаларингизни эркалаш, ўғилларингиз билан ҳазиллашиш ва уларнинг кулгилари ва ширин сўзларини эшитиш хаёлингизга келдими?! Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам буларнинг ҳаммасини қилар эдилар!

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳо дедилар:

¹ Имом Бухорий ривояти.

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан ибн Алийга тилини чиқарар, бола унинг қизиллигини кўриб кулар эди».*¹

Анас розияллоҳу анҳу дедилар:

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Саламининг қизи Зайнабни эркалатар эканлар: «Зайнабча, Зайнабча» - деб бир неча марта такрорладилар»*²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг болаларга бўлган меҳр-муҳаббатлари хусусида Абу Қатода розияллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар:

*Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Зайнабнинг қизи Умома елкаларида бўлган ҳолда одамларга имом бўлиб намоз ўқиганларини кўрдим. Рукуъ қилсалар ерга қўяр, саждадан турганда қайтариб олардилар.*³

Маҳмуд ибн Рабиъ розияллоҳу анҳу дедилар:

*«Мен беш ёшда эканимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам челақдан сув олиб, юзимга пуркаганларини хотирлайман».*⁴

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам катта-ю, кичикка таълим берар эдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу дедилар:

¹ «Ас-силсилатул-саҳиҳа», ҳадис: 70.

² Ал-Аҳадисис-саҳиҳа»: 2141. «Саҳиҳул-Жомеъ»: 5052.

³ Бухорий ва Муслим ривояти.

⁴ Бухорий ва Муслим ривояти.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ كُنْتُ خَلْفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
 يَوْمًا فَقَالَ يَا غُلَامُ إِنِّي أَعَلَّمْتُكَ كَلِمَاتٍ أَحْفَظُ اللَّهُ يَحْفَظُكَ اللَّهُ
 تَجِدُهُ بُجَاهَكَ إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ وَإِذَا اسْتَعَنْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ...
 (رواه الترمذي)

Кунларнинг бирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида эдим, дедилар:

*«Ҳой бола, мен сенга бир неча сўзларни ўргатаман: Аллоҳни ёдингда тут, сени сақлайди, Аллоҳни ёдингда тут, Уни олдингда кўрасан, (эҳтиёжингни) сўрасанг, Аллоҳдан сўра, ёрдам сўрасанг Аллоҳдан сўра!..».*¹

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак хулқ-атворлари ва улуғ сийратлари билан танишгач, шояд биз ҳам улар билан қалбларни тирилтирсак ва улар таъсирида ҳаётда бир из қолдирсак. Шундагина уйларимиз оталар муҳаббати, оналар меҳр-шафқати ва жажжи қалбларига сурур кирган болалар билан гуллаб, яшнайти.

Ҳилм ва сабрлари

Зўравонлик, ҳуқуқларни куч ишлатиб поймол қилиш золимлар аломатидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса ҳақдорларга ҳақларини олиб берувчи адолат қоидаларини тузиб қўйдилар. Ул зот Аллоҳ субҳанаҳу

¹ Имом Термизий ривояти.

ва таъоло ато этган буюриш ва таъқиқлашни жорий қилдилар.

Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонларида зулм, қаттиққўллик, тажовузкорлик каби иллатлар бўлишидан хотиржаммиз.

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари билан Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан бошқа пайтда на бир аёлни ва на бир хизматкорни урдилар! Шахсиятларига нисбатан қилинган ишлардан асло ўч олмас эдилар. Аллоҳнинг ҳаромларини қилинган пайтда Аллоҳ таъоло учунгина интиқом олар эдилар».*¹

Анас розияллоҳу анҳу дедилар:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан йўлда кетар эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эгниларида четлари дагал нажроний тўн бор эди. Бир аъробий ул зотга етиб олди-да, тўнларидан қаттиқ тортди. Мен Расулуллоҳнинг бўйинларида қаттиқ тортиш оқибатида тўннинг дагал четлари из қолдирганини кўрдим. Кейин у аъробий:

- «Эй Муҳаммад, амр этгин, ҳузурингдаги Аллоҳнинг молидан (менга ҳам берилсин)» - деди.

*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ўгирилиб қарадилар ва кулдилар. Кейин унга беришга амр этдилар».*²

¹ Имом Муслим ривояти.

² Бухорий ва Муслим ривояти.

Жубайр ибн Мутъим розияллоху анху айтадилар:

أَخْبَرَنِي جُبَيْرُ بْنُ مُطْعِمٍ أَنَّهُ بَيْنَا هُوَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَعَهُ النَّاسُ مُقْبِلًا مِنْ حُنَيْنٍ عَلِقَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْأَعْرَابُ يَسْأَلُونَهُ حَتَّى اضْطَرُّوهُ إِلَى سَمْرَةَ فَخَطِطَتْ رِذَاءَهُ فَوَقَفَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ أَعْطُونِي رِذَائِي فَلَوْ كَانَ عَدَدُ هَذِهِ الْعِضَاهِ نَعْمًا لَمَسَمْتُهُ بَيْنَكُمْ ثُمَّ لَا تَجِدُونِي بِخِيَالًا وَلَا كَذُوبًا وَلَا جَبَانًا (رواه البخاري)

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Ҳунайн жангидан қайтаётганларида аъробийлар эҳтиёжларини айтиб у зотга эргашидилар ва бир дарахт олдига тақаб олиб бориб қўйдилар. Ҳалиги дарахт у зотнинг тўнларини илиб қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

- «Тўнимни қайтириб беринглар! Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, шу дарахтлар сонича туяларим бўлса, ўртангизда тақсим қилиб берар эдим, кейин эса мени бахил, кўрқоқ ва ёлгончи эмаслигимни билар эдингиз» - дедилар¹.

Барча ишлардаги мулойимлик, манфаатларни билиш ва зарарларни қайтариш таълим-тарбиянинг энг гўзал кўринишларидандир.

Абу Ҳурайра розияллоху анху дедилар:

¹ Имом Бухорий ривояти.

أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ قَامَ أَعْرَابِيٌّ فَبَالَ فِي الْمَسْجِدِ فَتَنَاوَلَهُ النَّاسُ فَقَالَ
لَهُمُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَعُوهُ وَهَرِيئُوا عَلَيَّ بِؤْلِهِ سَجَلًا مِنْ مَاءٍ
أَوْ ذُنُوبًا مِنْ مَاءٍ فَإِنَّمَا بُعِثْتُمْ مُيسَّرِينَ وَمَ تُبْعَثُوا مُعَسَّرِينَ (رواه البخاري)

«Бир аъробий масжидга бавл қилди (сийди). Шунда саҳобалар уни айблаш учун ўринларидан турдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса:

- «Уни ўз ҳолига қўйинглар ва бавли устидан бир челак сув қўйинглар. Сизлар қийинлаштирувчи эмас, енгиллаштирувчи қилиб жўнатилгансизлар!» - дедилар.¹

Саҳобаларни хато қилаётган одамни кўриб туришган ва унга инкор қилиш учун унинг олдига шошишган эди. Улар эса бунга ҳақли ҳам эдилар. Бирок, ҳалим пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни тўхтатдилар. Чунки, бу ишни қилган одам жоҳил ва унга қаттиқ инкор қилишнинг ортида зарар бор эди. Бу ўринда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қилган ишлари тўғрироқ эди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъват ишида қилган сабрлари намуна олиш ва эргашишликка лойиқ.

Урва розияллоҳу анҳу ривоят қилади:

حَدَّثَنِي عُرْوَةُ أَنَّ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا زَوَّجَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدَّثَتْهُ أَنَّهَا قَالَتْ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَلْ أَتَى عَلَيْكَ يَوْمٌ

¹ Имом Бухорий ривояти.

كَانَ أَشَدَّ مِنْ يَوْمِ أَحَدٍ قَالَ لَقَدْ لَقَيْتُ مِنْ قَوْمِكَ مَا لَقَيْتُ وَكَانَ أَشَدَّ
مَا لَقَيْتُ مِنْهُمْ يَوْمَ الْعَقَبَةِ إِذْ عَرَضْتُ نَفْسِي عَلَى ابْنِ عَبْدِ يَالِيلَ بْنِ
عَبْدِ كَلَالٍ فَلَمْ يُجِئْنِي إِلَى مَا أَرَدْتُ فَانْطَلَقْتُ وَأَنَا مَهْمُومٌ عَلَى وَجْهِ
فَلَمْ أَسْتَفِقْ إِلَّا وَأَنَا بِقَرْنِ الثَّعَالِبِ فَرَفَعْتُ رَأْسِي فَإِذَا أَنَا بِسَحَابَةٍ قَدْ
أَظَلَّتْنِي فَنَظَرْتُ فَإِذَا فِيهَا جِبْرِيْلُ فَنَادَانِي فَقَالَ إِنَّ اللَّهَ قَدْ سَمِعَ قَوْلَ
قَوْمِكَ لَكَ وَمَا رَدُّوا عَلَيْكَ وَقَدْ بَعَثَ إِلَيْكَ مَلَكَ الْجِبَالِ لِتَأْمُرَهُ بِمَا شِئْتَ
فِيهِمْ فَنَادَانِي مَلَكُ الْجِبَالِ فَسَلَّمَ عَلَيَّ ثُمَّ قَالَ يَا مُحَمَّدُ فَقَالَ ذَلِكَ فِيمَا
شِئْتَ إِنَّ شِئْتَ أَنْ أُطَبِّقَ عَلَيْهِمُ الْأَخْشَبِينَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ بَلْ أَرْجُو أَنْ يُخْرِجَ اللَّهُ مِنْ أَصْلَابِهِمْ مَنْ يَعْبُدُ اللَّهَ وَحْدَهُ لَا يُشْرِكُ
بِهِ شَيْئًا

Ошиша розияллоху анҳо: «Уҳуд кунидан кўра бошингизга оғирроқ бир кун келганми?» - деб савол берганида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай жавоб бердилар:

- «Қавмингиздан кўп нарса кўрдим. Уларнинг энг оғири Ақаба кунни бўлган эди. Мен ўзимни (ҳимоя қилиши учун) ибн Абдиёллил ибн Абдикулолга рўпара қилдим. У менинг сўровимни қабул этмади. (Мен у ердан) гамгин ҳолатда чиқиб, бошимни эгиб юриб, Қарн ус-Саолибга етиб келганимни сезмай қолибман. Бошимни кўтардим, бир парча булут менга соя солиб турар эди. Қарасам, у булутда Жибрил алайҳиссалом ўтирибди. Шу пайт у менга нидо қилди:

«Аллоҳ таъоло қавмингизнинг Сизга берган жавобларини эшитди ва сизга Тоғлар фариштасини (қавмингиз) ҳақида истаган нарсангизга буюришингиз учун юборди» - деди.

Тоғлар фариштаси менга нидо қилиб, салом берди ва:

- «Эй Муҳаммад, Аллоҳ таъоло қавмингизнинг сизга айтган сўзларини эшитди. Мен Тоғлар фариштасиман. Роббингиз мени сизнинг ҳузурингизга истаган нарсангизга буюришингиз учун жўнатди, сиз нима хоҳлайсиз? Истасангиз икки тоғни уларнинг устиларига ёпиб қўяй?!» - деди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам:

- «Йўқ, мен Аллоҳ таъоло уларнинг пуштикамарларидан Унинг ўзигагина ибодат қиладиган, Унга бирон нарсани шерик қилмайдиган одамларни чиқаришини умид қиламан» — дедилар¹.

Баъзи одамлар бугунги кунда даъват ишида шошқалоқлик қилиб, самарани тезроқ кўришни истайдилар. Ҳолбуки, нафс учун ўч олиш даъватга ва унинг холислигига путур етказди. Бинобарин, даъватчилар ўртасида мазкур салбий кўриниш ёйилгани сабабли баъзан даъватлар муваффақиятсизликка дучор бўлмоқда.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг орзу-умидлари бир неча йиллар ўтганидан ҳамда сабру-курашлардан сўнг рўёбга чиқмадимиз, ахир?!

¹ Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дедилар:

قَالَ عَبْدُ اللَّهِ كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَحْكِي نَبِيًّا
مِنَ الْأَنْبِيَاءِ ضَرَبَتْهُ قَوْمُهُ فَأَذَمُوهُ وَهُوَ يَمْسَحُ الدَّمَ عَنْ وَجْهِهِ وَيَقُولُ اللَّهُمَّ
اغْفِرْ لِقَوْمِي فَإِنَّهُمْ لَا يَعْلَمُونَ

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

*Аллоҳнинг пайгамбарларидан бирини қавми қонга белаганида, у қонни юзидан артиб: «Аллоҳим, қавмимни кечир! Чунки улар, билмайдилар» деди, деб ҳикоя қилганларини ҳали ҳам кўриб тургандекман».*¹

Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу ривоят қилади:

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар билан эдилар, Зайд ибн Саъна исмли яҳудий қарзини талаб қилиб келди ва ул зотнинг чопонлари ёқасини тутиб, газабнок ҳолатда:

- «Ҳой Муҳаммад, ҳаққимни бермайсанми?!» - деб, қўпол сўзларни айта бошлади.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бундан қаттиқ газабландилар. Газабдан кўзлари чаноқларидан чиққудек бўлиб:

- «Ҳой Аллоҳнинг дуимани, сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай беодобона сўзлар айтиб, қўполлик қилаяпсанми?! У зотни ҳақ билан юборган Зотнинг номига онт ичиб айтаманки,

¹ Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

Унинг маломатидан чўчимаганимда эди, сенинг каллангни қиличим билан олар эдим!» - дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умар розияллоҳу анҳуга оғир-босиқлик билан:

- «Эй Умар, мен ва у бундан бошқа нарсага муҳтож эдик. Сиз мени (қарзни) яхши ўташга, уни эса қарзини чиройли сўрашга чақиришингиз керак эди. Эй Умар, уни олиб бориб, ҳаққини беринг ва йигирма соъ хурмони зиёда қилинг!» — дедилар.

Умар розияллоҳу анҳу йигирма соъ хурмони ошириб берганида Зайд:

- «Эй Умар, бу ортиқчаси нима учун?» - деб сўради.

Умар розияллоҳу анҳу:

- «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сенинг қилган газабинг эвазига буни зиёда қилдилар!» - деди. Зайд:

- «Эй Умар, мени танийсанми?» - деди.

Умар розияллоҳу анҳу:

- «Йўқ, сен кимсан?» - дедилар.

- Зайд ибн Саънаман.

- Ҳабр (руҳоний)ми?

- Ҳабр (руҳоний).

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нега ундай муомала қилиб, у сўзларни айтдинг?

- Эй Умар, мен Расулуллоҳнинг юзига қараганимда пайғамбарлик белгиларининг иккитасидан бошқа ҳаммасини кўрдим. Бу иккисини синаб кўрмаган эдим:

ҳалимлиги жаҳлига золиб келадими ва жаҳлнинг ошиши ҳалимлигини зиёда қиладими? Мен энди у иккисини синаб кўрдим. Эй Умар, сени гувоҳ қилиб айтаманки, Аллоҳни Парвардигор, Исломни дин ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар деб рози бўлдим. Яна сени гувоҳ қилиб айтаманки, бойлигимнинг ярми - мен қавмимнинг энг бой кишисиман - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Умматига садақа бўлсин.

Умар розияллоҳу анҳу айтдилар:

- Уларнинг баъзилари учун бўлақолсин. Чунки, сен уларнинг ҳаммасига етказа олмайсан.

Зайд: - Баъзиларига бўлақолсин - деди.

Зайд Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдига келди ва: «Ашҳаду анла илаха иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу» (Аллоҳдан бошқа (ҳақ) илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман) - деди, у зотга иймон келтириб, уни тасдиқлади.¹

Биз бу ҳолат, унинг хотимаси ва бўлиб ўтган суҳбат ҳақида ўйланиб кўрайлик. Шояд Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одамларга нисбатан қилган сабрлари, уларни мулойимлик ва ҳилм билан қандай даъват этганлари, яхшилик қилсалар қандай рағбатлантирганлари ва уларга қандай қувонч улашганларидан ўрнак олсак.

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

¹ Хоким «ал-Мустадрок» китобида бу ҳадисни (6547) зикр қилиб, «саҳиҳ» деди.

عَنْ عَائِشَةَ أَنَّهَا اعْتَمَرَتْ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ
 الْمَدِينَةِ إِلَى مَكَّةَ حَتَّى إِذَا قَدِمَتْ مَكَّةَ قَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ بِأَيِّ أَنْتَ
 وَأُمِّي قَصَرْتَ وَأَتَمَّمْتَ وَأَفْطَرْتَ وَصُمْتَ قَالَ أَحْسَنْتِ يَا عَائِشَةُ وَمَا
 غَابَ عَلَيَّ

«Мадинадан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга умра қилиш учун чиқдим. Маккага этиб келгач: «Ота-онам сизга фидо бўлсин ё Расулаллоҳ, сиз (намозни) қаср (икки рақъат қилиб) ўқидингиз, мен тўла (тўрт рақъат) ўқидим. Сизнинг оғзингиз очиқ, мен рўзадор ҳам бўлдим» - дедим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Эй Оиша, яхши қилибсиз!» - дедилар ва мени айбламадилар».¹

Таомлари

Аллоҳ таъоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга нусрат ато этиб, одамлар у зот олиб келган динга гуруҳ-гуруҳ бўлиб кирган, ҳузурларига озик-овқатлару мол-мулклар оқиб келар, у зотнинг олдиларида олтин-кумуш тўлиб-тошар эди!

Шундай ҳолда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг еб-ичишлари қандай бўлган, деб ўйлайсиз?! Ҳаётлари подшоҳлар ҳаёти каби эдими ёки улардан кўра аълороқ эдими? Таомлари давлатманд

¹ Имом Насоий ривояти.

бойларнинг овқатлари каби эдими? Ёки уларникидан яхшироқ эдими?!

Сиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таоми, унинг озлиги ва соддалигини кўрганингизда ҳайрон бўлманг!

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этгунларига қадар у зотнинг оила аъзолари кетма-кет икки кун арпа нонига тўймаганлар».*¹

Бошқа бир ривоятда эса:

*«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оила аъзолари Мадинага келгандан сўнг, кетма-кет уч кеча буғдой нонига тўймадилар токи ул зот қабз руҳ бўлдилар».*²

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилиб дедилар:

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдида камдан кам ҳолатларда нон ва зўйт пешинлик ёки кечки овқат пайтида жамланган».*³

Аксинча, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ейишга бирон нарса топа олмай, оч ухлар эдилар!

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо дедилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва аҳли-аёллари кўпинча давомли кунлар кечки овқат учун

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

³ Имом Аҳмад ривояти.

*бирон нарса топа олмасдан оч ухлар эдилар. Уларнинг нони кўпроқ арпа нони эди».*¹

Гап озлик ва танқисликда эмас. Чунки, бойликлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўл остиларида тўлиб тошган ва ҳузурига юклар ортилган туялар келар эди. Лекин Аллоҳ таъоло пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун мукамал ва энг тўғри ҳаётни танлаган эди.

Уқба ибн Ҳорис розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ ابْنِ أَبِي مُلَيْكَةَ أَنَّ عُقْبَةَ بْنَ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حَدَّثَهُ قَالَ صَلَّى بِنَا النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعَصْرَ فَأَسْرَعَ ثُمَّ دَخَلَ الْبَيْتَ فَلَمْ يَلْبَثْ أَنْ خَرَجَ فَقُلْتُ أَوْ قِيلَ لَهُ فَقَالَ كُنْتُ خَلَفْتُ فِي الْبَيْتِ تَبْرًا مِنَ الصَّدَقَةِ فَكَرِهْتُ أَنْ أُبَيِّتَهُ فَقَسَمْتُهِ (رواه البخاري)

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз билан бирга аср намозини ўқидилар. Кейин шошилиб уйларига кириб кетдилар. Ҳеч қанча вақт ўтмади ҳамки, қайтиб чиқдилар. Бўлган ҳолат ҳақида мен сўрадим ёки бошқа одам сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уйда садақадан бўлган олтинни қолдирган эдим. Уни кечаси билан олиб қолишни ёқтирмадим-да, тақсим қилиб юбордим» - дедилар».*²

Анас розияллоҳу анҳу дедилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Исломга кириш эвазига ҳар нарсадан сўралсалар берардилар.

¹ Имом Термизий ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

Ҳатто, бир киши келганида икки тоғ орасидаги қўйларни бердилар. У одам қавми олдига бориб: «Эй қавмим, мусулмон бўлинглар, албатта Муҳаммад камбағалликдан қўрқмаган кишиларнинг эҳсонини қилмоқда!»- деди».¹

Анас розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ مَا أَكَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى خِوَانٍ وَلَا فِي سَكْرَةٍ وَلَا خُبِرَ لَهُ مُرَقَّقٌ (رواه البخاري)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам на хонтахта устида овқатланганлар, на ликопчада еганлар ва на у зот учун юпқа нон ёпилар эди».²

Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар:

عَنْ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ يَا عَائِشَةُ هَلْ عِنْدَكُمْ شَيْءٌ قَالَتْ فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا عِنْدَنَا شَيْءٌ قَالَ فَإِنِّي صَائِمٌ... (رواه مسلم)

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Уйда бирор егулик борми?» - дедилар, «Ё Расулуллоҳ, ҳеч нарса йўқ эди» - дедим. - «(Унда бугун) мен рўзадорман» - дедилар.³

Бир ёки икки ой ўтар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хонадони фақат хурмо ва сув билангина кун кечирар эди.⁴

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

³ Имом Муслим ривояти.

⁴ Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

Таомлари ва таом турларининг озлигига қарамай Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олий ахлоқи ва исломий одоби Аллоҳнинг неъматига шукроналар келтириш, таомни тайёрлаганларга миннатдорчилик билдириш, хато қилсалар, айбламасликка ундар эди. Чунки, у (хато қилувчи) тиришган, бироқ, хато қилган-да. Шунинг учун ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таомни айбламас, пиширувчини маломат қилмас, бор нарсани рад, йўқ нарсани талаб қилмас эдилар! Уммат пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғами қорни ва овқати эмас эди!

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу дедилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч қачон таомни айбламаганлар. Агар хоҳласалар еганлар, хоҳламасалар емаганлар»¹

Шайхулислам ибн Таймийя раҳимахуллоҳ айтадилар:

«Ейиши ва кийинишидаги энг яхши йўл - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам имкони бўлган нарсани хоҳласалар ер, бор нарсани қайтармас, йўқ нарсани талаб қилмас эдилар. Агар нон ва гўшт ҳозир бўлса ер эдилар. Агар мева, нон ва гўшт ҳозир бўлса ер эдилар. Агар хурмонинг ўзи ёки ноннинг ўзи ҳозир бўлса ер эдилар. Агар икки хил таом ҳозир бўлса: «Мен икки хил таомни емайман» демас, лаззатли ва ширали таомлардан бош тортмас эдилар. У зотнинг сўзларидан: «...Лекин Мен рўза ҳам тутаман, оғзим

¹ Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

очиқ ҳам бўлади. (Кечалари намоз учун) тураман ҳам, ухлайман ҳам. Аёлларга ҳам уйланаман. Гўшт ҳам ейман. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас».

Аллоҳ таъоло ҳалол нарсаларни ейиши ва Ўзига шуқр этишига амр этди. Шунинг учун ҳам, ҳалол нарсаларни ҳаром қилган одам ҳаддидан ошган, Аллоҳга шуқр қилмаган одам эса, Аллоҳнинг ҳаққини зое қилган ношуқур бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли энг тўғри йўлдир. Ундан бурилиши эса икки тарафга олиб боради:

(Биринчиси) Исроф қилган ва маъсулиятларни адо этишдан юз ўгириб, майилликларига берилган инсонлар.

(Иккинчиси эса), ҳалол нарсаларни ҳаром қилган, Аллоҳ таъоло буюрмаган роҳибликни ўйлаб топган инсонлар. Ҳолбуки, Ислом динида роҳиблик йўқдир».

«...Ҳар бир ҳалол ёқимлидир, ҳар бир ёқимли ҳалолдир. Аллоҳ таъоло бизга ёқимли нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қилди. Унинг ёқимлилиги, биз учун фойдали ва лаззатли бўлишидир. Аллоҳ таъоло бизга зарарли бўлган ҳар бир нарсани ҳаром қилди, фойдали бўлган барча нарсага рухсат берди».

«...Одамлар емоқ, киймоқ, очлик ва тўқликда турлича бўладилар. Ҳаттоки, бир кишининг ҳоли ҳам турлича бўлиши мумкин. Бироқ, амалларнинг энг

яхшиси Аллоҳ таъолога итоатли ва қилган одамга фойдали бўлганидир».¹

Бошқаларнинг шарафини ҳимоя қилишлари

Мажлисларнинг энг яхшиси – илм ва зикр ўтиришларидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз мажлисларида хато қилганларни тузатар, билмаганларга ўргатар, ғофил қолганларни огоҳлантирар ва мажлисларида фақатгина яхшиликларнигина қабул қилар эдилар. Ўзгаларнинг сўзларини эшитар, бироқ, ғийбатни қабул қилмас, чақимчилик ва туҳматларга рози бўлмас эдилар.

Итбон ибн Молик розияллоҳу анҳу дедилар:

«...Намоз ўқиб бўлганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни таомга таклиф этдик. Уйимдаги меҳмонлардан бири гап орасида: «Молик ибн Дуҳшун қаерда?» - деди. Бир киши:

- «У Аллоҳ ва расулини яхши кўрмайдиган мунофиқдир» — деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

لا تَقُولَنَّ ذَلِكَ أَلَا تَرَاهُ قَدْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يُرِيدُ بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ
... فَإِنَّ اللَّهَ قَدْ حَرَّمَ عَلَى النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ يَبْتَغِي بِذَلِكَ
وَجْهَ اللَّهِ (رواه البخاري)

¹ Ибн Таймийя, «Мажмуъул-фатово.» 22:310

- «Ундай дема, кўрмайсанми, у «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган ва бу билан Аллоҳнинг юзини истайди. ...Дарҳақиқат, Аллоҳ Ўзининг юзини умид қилиб: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган одамни жаҳаннамга ҳаром қилди» - дедилар».¹

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёлғондан гувоҳлик бериш ва ҳуқуқларни поймол қилишдан огоҳлантирар эдилар!

Абу Бакра (Нафиъ ибн Ҳорис) розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرَةَ عَنْ أَبِيهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلَا أُتْبِئُكُمْ بِأَكْبَرِ الْكِبَائِرِ ثَلَاثًا قَالُوا بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ الْإِشْرَاكُ بِاللَّهِ وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ وَجَلَسَ وَكَانَ مُتَكِنًا فَقَالَ أَلَا وَقَوْلُ الزُّورِ قَالَ فَمَا زَالَ يُكْرَرُهَا حَتَّى قُلْنَا لَيْتَهُ سَكَتَ (رواه البخاري وفي مسلم: وَشَهَادَةُ الزُّورِ أَوْ قَوْلُ الزُّورِ)

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч бор:

- «**Катта гуноҳларнинг каттарогини айтиб берайми?**» — дедилар.

Биз: - «Ҳа, эй Расулulloҳ» - дедик.

- «**Аллоҳга шерик қилиш ва ота-онага оқ бўлиш**» - дедилар. Ёнбошлаган эдилар, ўтириб олдилар: - «**Огоҳ бўлинглар, ёлғон гувоҳлик бериш!**» - дедилар. Бу сўзни кўп такрорладилар, ҳатто биз: «**Кошки, сукут сақласалар!**» - деб қолдик».²

¹ Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

² Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

Уммул мўъминийн Оиша розияллоху анҳога муҳаббатлари буюк бўлса-да, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам у кишининг ғийбат қилишларини ёмон санадилар ва ғийбатнинг катта хатарини баён қилдилар.

Оиша розияллоху анҳо дедилар:

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ قُلْتُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَسْبُكَ مِنْ صَفِيَّةَ كَذَا وَكَذَا قَالَ غَيْرُ مُسَدَّدٍ تَعْنِي قَصِيرَةً فَقَالَ لَقَدْ قُلْتَ كَلِمَةً لَوْ مُزِجَتْ بِمَاءِ الْبَحْرِ لَمَزَجَتْهُ (رواه أبو داود)

Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга: «Софиянинг бундай-бундай бўлиши етарлидир» - дедим. (Баъзи ровийлар бу сўзлари билан София розияллоху анҳонинг бўйи пастлигига ишора қилдилар деганлар.) Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

- «Сиз шундай бир сўзни айтдингиз-ки, агар уни денгиз сувига аралаштирилса, уни ҳам бузар эди» - дедилар.¹

Асмо бинт Язид розияллоху анҳо ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам биродарининг шарафини ҳимоя қилган одамга башорат бериб дедилар:

¹ Имом Абу Довуд ривояти.

عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ يَزِيدَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ ذَبَّ
عَنْ لَحْمِ أَخِيهِ بِالْغَيْبَةِ كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يُعْتَقَهُ مِنَ النَّارِ (رواه
أحمد)

«Биродарининг гўштини гийбат (билан ейилиши)дан ҳимоя қилган одамни жаҳаннам азобидан озод қилиш, Аллоҳ таъолонинг зиммасида ҳақдир».¹

Аллоҳни кўп зикр қилишлари

Биринчи мураббий Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ибодат қилиш ва қалбни Аллоҳга боғлашга катта эътибор берар эдилар. У зот бир лаҳзани ҳам Аллоҳнинг зикри, ҳамди, шукри, истиғфор ва Аллоҳга илтижосиз ўтказмас эдилар. Ҳолбуки, у зотнинг аввалги ва кейинги барча гуноҳлари кечирилган эди. У - шукроналар келтирган банда ва пайғамбар, ҳамдлар айтувчи расулдир. Раббининг қадрини билиб, Унга ҳамд айтиб, дуо ва илтижо қилдилар, вақтнинг қадрига етиб, ундан фойдаландилар ва унинг тоат-ибодат билан обод бўлишига ҳарис бўлдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таъолони ҳар лаҳзада зикр қилар эдилар»²

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо дедилар:

¹ Имом Аҳмад ривояти.

² Имом Муслим ривояти.

«Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир ўтиришида:

«Роббизфирлий ва туб алаййа иннака анта таввабур роҳийм» (Роббим, мени кечир ва тавбаларимни қабул эт. Сен раҳмли ва тавбаларни қабул этувчи зотсан) деб юз марта такрорлаганларини санар эдик»¹

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу дедилар:

قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ وَاللَّهِ
إِنِّي لَأَسْتَغْفِرُ اللَّهَ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ فِي الْيَوْمِ أَكْثَرَ مِنْ سَبْعِينَ مَرَّةً (رواه
البخاري)

Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, мен бир кунда Аллоҳга етмиш мартадан кўпроқ истиғфор айтиб, тавбалар қиламан»** деганларини эшитганман.²

Уммул мўъминийн Умму Салама розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ҳузурида бўлганларида кўп қилган дуолари:

يَا مُقَلَّبَ الْقُلُوبِ ثَبِّتْ قَلْبِي عَلَى دِينِكَ

«Я Муқоллибал қулуб, саббит қолбий ала дийник» (Эй қалбларни айлантирувчи зот, менинг қалбимни динингда мустаҳкам қил) бўлганини зикр этдилар.³

¹ Имом Абу Довуд ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

³ Имом Термизий ривояти.

Қўшниларига муносабати

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўшниларга муносабати ғоят гўзал эди! Қалбларида қўшнилар учун алоҳида эҳтиром бор эди. Ҳатто, У зот ибн Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا زَالَ جِبْرِيلُ يُوصِينِي بِالْجَارِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيُورَثُهُ (رواه البخاري)

«Жибрил менга қўшни ҳақида шунчалар кўп васият қилди-ки, мен қўшни меросхўр бўлиб қолармикин, деб ўйладим» - дедилар.¹

Абу Зар розияллоҳу анҳу айтадилар:

عَنْ أَبِي ذَرٍّ قَالَ إِنَّ خَلِيلِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَوْصَانِي إِذَا طَبَخْتَ مَرَقًا فَأَكْثِرْ مَاءَهُ ثُمَّ انظُرْ أَهْلَ بَيْتِ مَنْ جِيرانِكَ فَأَصِبْهُمْ مِنْهَا بِمَعْرُوفٍ (رواه مسلم)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга:

«Эй Абу Зар, агар шўрва қилсанг, сувини кўпроқ қил ва қўшниларинг ҳолига боқиб, ундан уларга ҳам бер!» - деб васият қилган эдилар.²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўшниларга озор беришнинг ёмон оқибатларидан огоҳлантирдилар ва уларга доимо яхшилик қилишга буюрдилар.

¹ Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

² Имом Муслим ривояти.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ لَا يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقَهُ (رواه مسلم)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Қўшниси унинг ёмонликларидан хотиржам бўлмаган одам жаннатга кирмайди»¹.

Абу Шурайх ал-Хузобий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ أَبِي شُرَيْحِ الْخَزَاعِيِّ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُحْسِنْ إِلَى جَارِهِ (رواه مسلم)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Кимки Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлса қўшнисига яхшилик қилсин!»²

Хушмуомалаликлари

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا بَلَغَهُ عَنِ الرَّجُلِ الشَّيْءُ لَمْ يَقُلْ مَا بَالَ فُلَانٍ يَقُولُ وَلَكِنْ يَقُولُ مَا بَالَ أَقْوَامٍ يَقُولُونَ كَذَا وَكَذَا (رواه أبو داود)

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Муслим ривояти.

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бирор киши ҳақида бирор нарса этиб қолса: «Фалончи нега ундай дейди?» - деб айтмас, балки: «Одамларга нима бўлди, нега ундай-бундай деяптилар?» - дер эдилар».*¹

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ رَجُلًا دَخَلَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعَلَيْهِ أَثَرُ صُفْرَةٍ وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَلَمًا يُوَاجِهُهُ رَجُلًا فِي وَجْهِهِ بِشَيْءٍ يَكْرَهُهُ فَلَمَّا خَرَجَ قَالَ لَوْ أَمَرْتُمْ هَذَا أَنْ يَغْسِلَ هَذَا عَنْهُ (رواه أبو داود)

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурига юзида сариқ ранг изи бўлган бир одам кирди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бировнинг юзига у ёқтирмайдиган гапни камдан-кам айтардилар. У одам чиққандан сўнг: «Унга айтсангизлар, юзидаги нарсани ювиб ташласа» - дедилар».*²

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дедилар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِمَنْ يَجْرُمُ عَلَى النَّارِ أَوْ بِمَنْ تَحْرُمُ عَلَيْهِ النَّارُ عَلَى كُلِّ قَرِيبٍ هَيِّنٍ سَهْلٍ (رواه الترمذي)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Сизларга жаҳаннамга ҳаром бўладиган ёки жаҳаннам унга ҳаром бўладиган кимсадан дарак

¹ Имом Абу Довуд ривояти.

² Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривояти.

берайинми? Жаҳаннам мулойим, очиқкўнгил ва бошқаларга ўзини яқин тутган кишига ҳаромдир» - деб марҳамат қилдилар.¹

Ҳақларни адо этишлари

Инсон зиммасидаги ҳақлар кўпдир. Аллоҳнинг ҳаққи, оила ҳаққи, нафс ҳаққи, бундан ташқари бандаларнинг ҳақлари ҳам бор. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вақтларни қандай тақсимлаб, кунларидан қандай фойдаланганлар?!

Анас розияллоҳу анҳу дедилар:

أَخْبَرَنَا حُمَيْدُ بْنُ أَبِي حُمَيْدٍ الطَّوِيلُ أَنَّهُ سَمِعَ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ جَاءَ ثَلَاثَةٌ رَهْطٍ إِلَى بَيْتِ أَزْوَاجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْأَلُونَ عَنْ عِبَادَةِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمَّا أُخْبِرُوا كَانَتْهُمْ تَقَالُوهَا فَقَالُوا وَأَيْنَ نَحْنُ مِنَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ وَمَا تَأَخَّرَ قَالَ أَحَدُهُمْ أَمَا أَنَا فَإِنِّي أُصَلِّي اللَّيْلَ أَبَدًا وَقَالَ آخَرُ أَنَا أَصُومُ الدَّهْرَ وَلَا أَفْطِرُ وَقَالَ آخَرُ أَنَا أَعْتَرِلُ النِّسَاءَ فَلَا أَتَزَوَّجُ أَبَدًا فَجَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَيْهِمْ فَقَالَ أَنْتُمْ الَّذِينَ قُلْتُمْ كَذَا وَكَذَا أَمَا وَاللَّهِ إِنِّي لَا أَخْشَاكُمْ لِلَّهِ وَأَنْتُمْ كُنْتُمْ لَهُ لَكِييَ أَصُومُ وَأَفْطِرُ وَأُصَلِّي وَأَرْقُدُ وَأَتَزَوَّجُ النِّسَاءَ فَمَنْ رَغِبَ عَنْ سُنَّتِي فَلَيْسَ مِنِّي (رواه البخاري)

¹ Имом Термизий ривояти.

«Уч киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонига келиб, пайгамбаримизнинг ибодатлари ҳақида сўрадилар. Уларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ибодатларини айтиб берилганида, гўёки улар зикр қилинган амалларни кам санагандек бўдилар ва: «Биз қаерда-ю, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаердалар? У зотнинг аввалги-ю, охирги гуноҳлари кечирилган бўлса?» - дедилар.

Уларнинг бири: «Мен кечалари доимо намоз ўқийман»- деди.

Иккинчиси: «Мен кундузлари доимо рўзадор бўлиб, оғзимни очмайман» - деди.

Учинчиси эса: «Мен аёллардан узлат қиламан ва ҳеч ҳам уйланмайман» — деди.

(Бу гаплардан хабар топгач) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг олдиларига келдилар ва:

«Шундай-шундай гапларни айтганлар сизларми?! Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, албатта мен сизлардан кўра Аллоҳдан кўрқувчироқ ва тақволирогингизман! Лекин, мен рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам ва аёлларга уйланаман. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у Мендан эмас» - дедилар.¹

¹ Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

Шижоат ва бардошлари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Аллоҳнинг динига ёрдам бериш, Аллоҳ сўзини олий қилиш ва Аллоҳ берган неъматларни ўз ўрнига қўйиш борасида катта улушлари бор.

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ مَا ضَرَبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْئًا
فَطُؤَ بِيَدِهِ وَلَا أَمْرًا وَلَا خَادِمًا إِلَّا أَنْ يُجَاهِدَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ (رواه مسلم)

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ ўйлидаги жиҳоддан бошқа пайт қўллари билан бирон нарсани - на бир хизматкорни ва на бир аёлни урмадилар».*¹

Қурайш зодагонлари ва кофирлари қаршисида Ислому динига даъват этиб ёлғиз туришлари ҳамда Аллоҳнинг нусрати келгунига қадар бу динда сабот билан туришлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шижоатининг намуналаридан баъзисидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен ёлғиз ўзимман, ҳамма менга қарши!» - деб айтмадилар. Балки, Аллоҳ таъолога суяниб, даъватни ошкор қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг энг шижоатлиси ва матонатлиси эдилар. Жанг пайтида баъзан одамлар қочар, У зот эса майдонда матонат кўрсатиб турар эдилар!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хиро форидида ибодат қилиб турган пайтларида на Қурайш ва на бошқа кофирлар у зотга озор беришмаган эди.

¹ Имом Муслим ривояти.

Қачонки, тавҳид ва Аллоҳнинг ўзигагина ибодат қилиш керак эканлигига очиқ даъват қилганларидагина, кофирлар жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсата бошладилар ва ҳайратланиб:

﴿أَجْعَلِ الْآلِهَةَ إِهًا وَاحِدًا إِنَّ هَذَا لَشَيْءٌ عَجَابٌ﴾

«(Шунча) худоларни битта худо қилиб олибдими?! Ҳақиқатан бу жуда қизиқ нарса!»- дедилар¹.

Ҳолбуки, улар бутларни ўзлари билан Аллоҳ ўртасида воситачи қилиб олган эдилар.

Аллоҳ таъоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَى﴾

«...Биз у (олиҳа)ларга бизларни Аллоҳга яқин қиладилар, деб ибодат қилмоқдамиз» - дейдилар².

Йўқса, улар Аллоҳ таъолонинг рубубият (ғамхўр тарбиятқунандалиги)даги ёлғизлигига иқрор эдилар:

﴿قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ قُلِ اللَّهُ وَإِنَّا أَوْ إِيَّاكُمْ

لَعَلَىٰ هُدًى أَوْ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ﴾

«Айтинг: «Самовоту Ердан сизларни ким ризқлантиради?». (Сиз) «Аллоҳ» - деб айтинг. Ҳеч шубҳа йўқки, биз ва сизлар ё ҳидоят узрамиз, ёки очиқ залолатда»³.

¹ «Сод» : 5

² «Зумар» : 3

³ «Сабаъ» : 24

Мусулмон дўстим, мусулмонлар яшаётган ўлкаларда ўликлардан эҳтиёжларини сўраш, уларни воситачи қилиш, уларга назр аташ, улардан кўрқиш ва умид қилиш каби ширк амалларининг ёйилгани ҳақида тафаккур қилиб кўринг! Бу ширк амаллари сабабли Аллоҳ билан боғланган арқонлар узилди ва ўликлар абадий Тирик бўлган зотнинг ўрнига қўйилди:

﴿إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ﴾

«Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур, унинг борар жойи дўзахдир»¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларида шимол тарафда жойлашган Уҳуд тоғига қарайлик. Бу тоғ олдида бўлиб ўтган жанг асносида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қахрамонлиги, матонати ва ўзларига етган жароҳатга бардошлари очиқ кўринган эди. Ана шу жангда муборак юзларидан қон оққан, курак тишлари синдирилган ва бошлари ёрилган эди. Аллоҳ пайғамбаримизга салавоту-саломлар йўлласин.

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жароҳатлари ҳақида шундай дейди:

«Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, мен Расулуллоҳнинг жароҳатини ким ювгани, унга ким сув қуйиб тургани ва нимани дори қилинганини жуда яхши биламан. Қизлари Фотима розияллоҳу анҳо

¹ «Моида» : 72

жароҳатни ювар, Алий розияллоҳу анҳу эса унга қалқонда сув қуйиб турар эди. Фотима розияллоҳу анҳо сув қон келишини кучайтирганини кўрганидан сўнг, бўйранинг бир парчасини олиб куйдирди-да, уни жароҳатга босди. Қон тўхтади. Расулуллоҳнинг тишлари синди, юзлари жароҳатланди ва дубулгалари бошларида турганда синди».¹

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Хунайн жангидаги ҳолатларини шундай таърифлайди:

قَالَ الْبَرَاءُ : أَمَّا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِمَّ يُؤَلَّ يَوْمَئِذٍ
كَانَ أَبُو سُفْيَانَ بْنُ الْحَارِثِ أَحَدًا بَعَثَانِ بَعْلَتِهِ فَلَمَّا عَشِيَهُ الْمُشْرِكُونَ
نَزَلَ فَجَعَلَ يَقُولُ:

أَنَا النَّبِيُّ لَا كَذِبَ أَنَا ابْنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ

قَالَ فَمَا رَأَيْتَ مِنَ النَّاسِ يَوْمَئِذٍ أَشَدُّ مِنْهُ (رواه البخاري)

«...Ўша куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асло ортга чекинмадилар. Абу Суфён ибн Ҳорис у зотнинг хачири тизгинини ушлаб олган эди. Муширлар ёпирилиб келгач, хачирдан тушиб:

Мен набийман, ёлгонмас сўзим

Абдулмутталиб ўгли ўзим

- дея бошладилар. У куни ул зотдан кўра шиддатлироқ одам кўрилмади».²

¹ Имом Бухорий ривояти.

² Имом Бухорий ривояти.

Довюрак чавандоз, машхур ҳадислар соҳиби Алий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида шу сўзларни айтди:

*«Икки тараф бир-бири билан тўқнашган ва жанг авжига чиққанида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ҳимояланар эдик. Чунки, У зотдан кўра душманга яқинроқ бошқа кимса қолмас эди».*¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъват ишидаги сабру-бардошлари гўзал намунадир. Чунки, Аллоҳ таъоло У зот сабабли дин асосларини тиклади. У зотнинг саҳобалари ва уларга эргашган зотлар араб ярим ороли, Шом ва Мавороуннаҳр заминига қадар етиб бордилар. Натижада, шаҳару кишлоқдаги ҳар бир уйга Ислом дини кириб борди.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ أَنَسٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَقَدْ أُخِمْتُ فِي
اللَّهِ وَمَا يُخَافُ أَحَدٌ وَلَقَدْ أُودِيْتُ فِي اللَّهِ وَمَا يُؤْذَى أَحَدٌ وَلَقَدْ أَتَتْ
عَلَيَّ ثَلَاثُونَ مِنْ بَنِي يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ وَمَا لِي وَلِبِلَالٍ طَعَامٌ يَأْكُلُهُ ذُو كَبِدٍ إِلَّا
شَيْءٌ يُؤَارِيهِ إِبْطُ بِلَالٍ (رواه الترمذي)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Аллоҳ йўлида шундай (таҳдид-нўписалар билан) кўрқитилдим-ки, бошқа ҳеч ким бунчалар кўрқитилмаган!

Аллоҳ йўлида шундай озорландимки, бошқа биров бундай озорланмаган!

¹ Имом Муслим ривояти. 3: 1401. Бағавий, «Шархус-сунна»

Бир бор менга ўттиз кеча ва кундуз ўтди, мен ва Билол учун жонзот ейиши мумкин бўлган таомдан Билолнинг қўлтигига жойлашадиган миқдорда озуқамиз бўлар эди».¹

Ул зотга келган бойликлар, ўлжалар ва Аллоҳ таъоло ато этган фатҳлар бўлишига қарамай Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам на бир динор ва на бир дирҳам мерос қилиб қолдирмадилар.

Балки, дин ва шариат илмини қолдирдилар, у пайғамбарлик меросидир.

Ким бу меросни қўлга киритишни хоҳласа, марҳамат, истаганича олаверсин!

Оиша розияллоҳу анҳо дедилар:

عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ مَا تَرَكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا وَلَا شَاةً وَلَا بَعِيرًا وَلَا أُوصِيَ بِشَيْءٍ (رواه مسلم)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам на динор, на дирҳам, на қўй ва на туя мерос қилиб қолдирдилар ва на бирон нарсани васият қилдилар».²

Дуолари

Дуо улкан ибодатлардан бўлиб, уни Аллоҳдан бошқаси учун қилиш жоиз эмасдир.

Дуо - Аллоҳ таъолога муҳтожликдир, куч-қувватга эга эмаслик ифодасидир.

¹ Имом Термизий ва Аҳмад ривояти.

² Имом Муслим ривояти.

Дуо - қуллик белгиси, башарий хокисорликни сезишдир.

Дуода Аллоҳ таъолога ҳамду санолар айтиш, фазлу марҳаматни Унинг Ўзигагина хослаш бордир.

Шунинг учун ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

(رواه الترمذي عَنْ النُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ) الدُّعَاءُ هُوَ الْعِبَادَةُ

«Дуо - ибодатнинг ўзгинасидир», деган эдилар.¹

Яна бир ҳадисларида эса:

(رواه الترمذي عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ) الدُّعَاءُ مُخُّ الْعِبَادَةِ

«Дуо – ибодатнинг илиги-мағзидир», деганлар.²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таъолога кўп дуо қилар, ялинар ва муҳтожлигини кўрсатар ҳамда дуо учун пурмаъно сўзларни истеъмол қилар эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дуоларидан намуналар:

اللَّهُمَّ أَصْلِحْ لِي دِينِي الَّذِي هُوَ عِصْمَةُ أَمْرِي وَأَصْلِحْ لِي دُنْيَايَ الَّتِي فِيهَا مَعَاشِي وَأَصْلِحْ لِي آخِرَتِي الَّتِي فِيهَا مَعَادِي وَاجْعَلْ الْحَيَاةَ زِيَادَةً لِي فِي كُلِّ خَيْرٍ وَاجْعَلْ الْمَوْتَ رَاحَةً لِي مِنْ كُلِّ شَرٍّ

(رواه مسلم)

¹ Имом Термизий ривояти.

² Имом Термизий ривояти.

«Аллоҳим, мен учун ишимнинг тутқичи бўлган динимни, тирикчилигим бўлган дунё ҳаётимни, оқибатим бўладиган охиратимни ислоҳ этгайсан! Ҳаётни мен учун барча яхшиликларнинг зиёдаланиши, ўлимни мен учун барча ёмонликлардан роҳат қилгайсан!»¹

اللَّهُمَّ فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ عَالِمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ أَنْتَ رَبُّ كُلِّ شَيْءٍ وَالْمَلَائِكَةُ يَشْهَدُونَ أَنَّكَ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ فَإِنَّا نَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ أَنْفُسِنَا وَمِنْ شَرِّ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ وَشَرِّكَهِ وَأَنْ نَقْتَرِفَ سُوءًا عَلَى أَنْفُسِنَا أَوْ نُجْرَهُ إِلَى مُسْلِمٍ (رواه أبو داود)

«Аллоҳим! Эй еру-осмонни яратган, ошкораю гайбни билувчи зот! Сен барча нарсанинг Роббидирсан. Малоикалар Сендан ўзга илоҳ йўқ эканига гувоҳлик берурлар. Биз Сендан нафсимизнинг ёмонлигидан, Шайтоннинг ёмонлиги ва унинг ширк-фитналаридан, ўзимизга ёки бирор мусулмонга ёмонлик етказиб қўйишдан паноҳ тилаймиз»²

اللَّهُمَّ اكْفِنِي بِحِلَالِكَ عَنْ حَرَامِكَ وَأَغْنِنِي بِفَضْلِكَ عَمَّنْ سِوَاكَ (رواه الترمذي)

«Аллоҳим, мени ҳалолнинг ила ҳаромингдан кифоялантир ва ўз марҳаматинг-ла, ўзингдан бошқалардан бехожат қил!»³

¹ Имом Муслим ривояти.

² Имом Абу Довуд ривояти.

³ Имом Термизий ривояти.

اللَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْمًا كَثِيرًا وَلَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ
فَاغْفِرْ لِي مَغْفِرَةً مِنْ عِنْدِكَ وَارْحَمْنِي إِنَّكَ أَنْتَ الْعَفُورُ الرَّحِيمُ (رواه
البخاري)

«Аллоҳим, мен (гуноҳларим сабабли) ўзимга кўп жабр қилдим, гуноҳларни эса фақат Сен кечирурсан. Менга Ўз хузурингдан мағфират ато эт ва менга раҳм қил. Шубҳасиз, Сен кечиргувчи, раҳмдил зотсан!»¹

اللَّهُمَّ أَعِنِّي عَلَى ذِكْرِكَ وَشُكْرِكَ وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ (رواه أبو داود)

«Аллоҳим! Сени зикр этишига, Сенга шукр қилишига ва гўзал ибодатингга мени мушарраф этгин-кўмак бергин».²

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кийинчилик даврларида ҳам, фаровонлик даврида ҳам Аллоҳ таъолога кўп дуо қилар эдилар. Бадр кунида мусулмонларнинг ғалабаси ва мушрикларнинг мағлубиятини сўраб узоқ вақт дуога қўл кўтариб турганларидан, елкаларидаги ридолари ерга тушиб кетган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари, оилалари, саҳобалари ва барча мусулмонлар учун дуо қилар эдилар.

¹ Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари

² Абу Довуд ва Насойй ривояти.

Зиёратнинг ниҳояси

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг гўзал сийратлари, жиҳоду мусибатлари ҳақидаги ривоятлар билан танишиб чиқдик. Энди барчамизнинг зиммамизда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан адо этишимиз керак бўлган ҳақлар бордир. Биз шу ҳақларни бажариш билан барча эзгуликларни мукамал қилайлик ва тўғри йўлдан юрайлик.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан уммат зиммасидаги ҳақлардан баъзилари қуйидагилардир:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сўз ва амалда садоқатли иймон келтириш;

- Олиб келган барча нарсаларида У зотни тасдиқлаш;
- У зотга итоат этишнинг фарзлиги ва итоатсизлик қилишдан эҳтиёт бўлиш;
- Масалаларнинг ҳукмида У зотга мурожаат этиш ва У зотнинг ҳукмига рози бўлиш;
- У зотни ғулув ва камситишсиз ўз мартабасига қўйиш;
- У зотга эргашиш ва У зотдан барча ишларда ўрнак олиш;
- У зотни оила, фарзанд ва барча одамлардан кўра кўпроқ севиш, улуғлаш ва хурматлаш;
- У зот олиб келган динга ёрдам бериш, У зотнинг суннاتини ҳимоя қилиш ва мусулмонлар ўртасида жонлантириш;

- У зотнинг саҳобаларини севиш, улар учун Аллоҳдан розилик сўраш ҳамда уларнинг таржимаи ҳолларини ўрганиш.

Аллоҳ пайғамбаримизга беадад салавоту – саломлар йўлласин!

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш аломатларидан бири - У зотга саловот айтишдир.

Аллоҳ таъоло деди:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари пайғамбарга салавот айтадилар. Эй мўминлар, (сизлар ҳам) Унга салавоту-салом айтинглар!»¹

Авс ибн Авс розияллоху анху ривоят қилади:

عَنْ أَوْسِ بْنِ أَوْسٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ مِنْ أَفْضَلِ أَيَّامِكُمْ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فِيهِ خُلِقَ آدَمُ وَفِيهِ النَّفْخَةُ وَفِيهِ الصَّعْقَةُ فَأَكْثَرُوا عَلَيَّ مِنَ الصَّلَاةِ فِيهِ فَإِنَّ صَلَاتَكُمْ مَعْرُوضَةٌ عَلَيَّ فَقَالَ رَجُلٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ تُعْرَضُ صَلَاتُنَا عَلَيْكَ وَقَدْ أَرَمْتَ يَغْنِي بَلِيَّتَ فَقَالَ إِنَّ اللَّهَ حَرَّمَ عَلَى الْأَرْضِ أَنْ تَأْكُلَ أَجْسَادَ الْأَنْبِيَاءِ (رواه ابن ماجه)

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам:

«Кунларингизнинг энг афзали - жума кунидир. У кунда Одам (алайҳиссалом) яратилди. У кунда

¹ «Ахзоб»: 56

(сурга) дам урилади ва (унинг оқибатида барча жонли махлуқот) бехуш бўлади. Бас, у куни Менга кўп салаватлар айтинглар! Чунки, сизларнинг салаватларингиз менга кўндаланг қилинади» - дедилар.

Саҳобалардан бири: «Ё Расулуллоҳ, чириб кетган бўлсангиз Сизга бизнинг салаватларимиз қандай кўндаланг қилинади?» - деб савол берди.

Унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Аллоҳ таъоло пайғамбарларнинг жасадларини ейишни Ерга ҳаром қилди» - деб жавоб бердилар.¹

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммати ўз пайғамбарининг ҳаққига бахиллик қилмаслиги керак.

Чунки, Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ривоят қиладиларки:

عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
الْبَحِيلُ الَّذِي مَنْ ذُكِرَتْ عِنْدَهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيَّ (رواه الترمذي)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Бахил - унинг ҳузурда зикр қилинганимда менга салават айтмаган одамдир» - деганлар.²

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

¹ Ибн Можа ривояти.

² Имом Термизий ривояти.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ
 مَا جَلَسَ قَوْمٌ مَجْلِسًا لَمْ يَذْكُرُوا اللَّهَ فِيهِ وَلَمْ يُصَلُّوا عَلَيَّ نَبِيَّهُمْ إِلَّا كَانَ
 عَلَيْهِمْ تَرَةٌ فَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُمْ وَإِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُمْ (وَمَعْنَى قَوْلِهِ تَرَةٌ يَعْنِي
 حَسْرَةً وَنَدَامَةً) وَقَالَ بَعْضُ أَهْلِ الْمَعْرِفَةِ بِالْعَرَبِيَّةِ التَّرَةُ هُوَ الثَّأْرُ (رواه
 الترمذي)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Бир қавм бир ерда ўтириб Аллоҳни зикр этмас ва пайғамбарларига салават айтмас эканлар, уларга ҳасрат ва надомат (ёки ўч) бўлур: Агар (Аллоҳ) хоҳласа уларни азоблайди, хоҳласа кечиради»¹

Видолашув

Ер юзига Иймон нури таралган ушбу хонадондан чиқар эканмиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари бизлар учун ҳамда дунё машаққатлари ва жаҳаннам азобидан қутилишни истаган барча инсонлар учун маёқ, ҳидоят излаганлар учун йўл бўлиб қолади.

Энди, салаф уламолари ва уларнинг бу буюк суннатга эргашиш борасидаги ҳарисликлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Шояд Аллоҳ таъоло бизни чиройли намуна ва ўрнак олишга муяссар қилса.

Аҳли суннат имомларидан Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳ дедилар:

¹ Имом Термизий ривояти.

«Қайси ҳадисни ёзган бўлсам, унга амал қилдим. Ҳатто, бир кун Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг хижома қилдирганидан (қон олдирганидан) сўнг Абу Тойбага бир динор берганини ўқидим, мен ҳам қон олдирганимда қон олувчи (хажжом)га бир динор бердим»¹

Абдуррахмон ибн Махдий раҳимаҳуллоҳ айтади:

«Суфён раҳимаҳуллоҳнинг: «Менга Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан бирон бир ҳадис етиб келган бўлса, унга бир марта бўлсада амал қилдим» - деб айтганини эшитганман».

Муслим ибн Ясор раҳимаҳуллоҳ дедилар:

«Мен оёқ кийимим билан намоз ўқийман. Аслида уларни ечиши мен учун қийин эмас. Бироқ, мен суннатга риоя қилмоқчи бўламан»² (Танбех: буни жойнамоз тўшалмаган ўринларда қилинади.)

Рисоламизнинг хотимасида муҳтарам китобхон учун катта масъулият юкловчи бир ҳадисни тақдим этмоқчимиз.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ривоят қиладилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ كُلُّ أُمَّتِي
يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ إِلَّا مَنْ أَبِي قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَنْ يَا أَبِي قَالَ مَنْ أَطَاعَنِي
دَخَلَ الْجَنَّةَ وَمَنْ عَصَانِي فَقَدْ أَبِي (رواه البخاري)

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар:

¹ «Сияру аъламуни нубала», 11: 213

² «Сияру аъламуни нубала», 7: 232.

«Умнатнинг ҳаммаси Жаннатга кирадилар, фақатгина юз ўғирганлари кирмайдилар». Саҳобалар:

- «*Ё Расулulloҳ, кимлар юз ўғиради?*» - дедилар.

- «*Кимки менга итоат қилса жаннатга киради. Кимки менга осий бўлса, ана шу юз ўғиргандир*» - деб жавоб бердилар.¹

Аллоҳим, бизга пайғамбаринг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш, тўғри йўлда унинг кўрсатмаларидан оғишмай юришни насиб эт!

Аллоҳим, кеча-кундузлар алмашар экан, солиҳ, зокирлар зикр этарканлар, Сен Унга салавотлар йўлла!

Аллоҳим, Буюк Фирдавс жаннатида бизга пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлишни насиб эт! У зотни кўриш, ҳавзларидан сув ичиш ва ундан кейин ҳеч қачон чанқамасликни насиб эт!

Аллоҳ таъоло пайғамбаримизга, У зотнинг оиласи ва барча саҳобаларига салавоту – саломлар йўлласин!.

* * *

¹ Имом Бухорий ривояти.

Мундарижа

Муқаддима	2
Зиёрат.....	
Сафар.....	
Расулulloх соллalloху алайҳи ва салламнинг кўринишлари.....	
Гапиришлари.....	
Уй жиҳозлари.....	
Қариндошлар билан алоқалари.....	
Пайғамбар уйларида.....	
Турмушдаги хусусиятлари.....	
Ул зотнинг сўз ва таълимларидан намуналар.....	
Қизларига муомалалари.....	
Аҳли-аёлга муносабатлари.....	
Мўминларнинг оналари.....	
Ҳазиллари.....	
Уйқулари.....	
Тунги ибодатлари.....	
Бамдоддан сўнг.....	
Чошгоҳ намози.....	
Нафл намозларини уйда ўқишлари.....	
Йиғилари.....	
Тавозеълари.....	
Хизматкорларига муносабатлари.....	
Совғага муносабатлари.....	
Меҳмондўстликлари.....	
Болаларга нисбатан меҳр-шафқатлари.....	
Ҳилм ва сабрлари.....	
Таомлари.....	
Бошқаларнинг шарафини ҳимоя қилишлари.....	
Аллоҳни кўп зикр қилишлари.....	
Кўшниларига муносабати.....	

Хушмуомалаликлари.....
Ҳақларни адо этишлари.....
Шижоат ва бардошлари.....
Дуолари.....
Зиёратнинг ниҳояси.....
Видолашув.....